



Усмонхон АЛИМОВ,  
Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси раиси, муфтий



# ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим. Аллоҳ таолога ҳамду сано, Муҳаммад Пайғамбаримизга (Улотга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин)

Утган йили юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш борасида кўп ва хўп хайрли ишлар қилинди. Истиқлол йилларида оилага, хусусан, фарзандларни жисмоний ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, ёшларни никоҳга тайёрлаш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилаётгани мақтовга сазовор.

Муҳтарам Юртбошимиз Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг ижроси бўйича қилинган ишлар ҳақида гапирар экан, ёш оилалар учун 2012–2013 йилларда ҳар бири 48 та хонадонли 100 та кўпқаватли уй қурилатганини, 2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та уй фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча уй қурилишини, ана шундай уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека қарзлари берилганини таъкидладилар. Дастур доирасида боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга 8 минг 600 дан ортик қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй парандаси тарқатилганини қайд этдилар.

Оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 2 триллион сўм, яна 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфлангани ҳам бу борада улкан ишлар бажарилганидан далолат беради.

Албатта, ўтган йилимизнинг “Мустаҳкам оила йили” деб номланиши динимиз буюрган эзгу фазилатларни кенг ёйишимизда жуда кўл келди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшди. Имомхатибларимиз жойларда оиланинг нуфузини ошириш, асраб-авайлаш, кадрятларни қайта

тиклаш, юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, миллийлигимиз, динимизга ёт бўлган зарарли таъсирлардан ёшларимизни ҳимоя қилиш каби мавзуларда мавъиза қилишди. “Ҳидоят” журнали, “Ислом нури” газетаси ушбу мавзуларда мунтазам мақолалар бериб борди. “Мовароуннаҳр” нашриёти уламоларимизнинг оилалар мустаҳкамлигига бағишланган китоб ва қўлланмаларини чоп қилди. Бу хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади.

Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан 2013 йилга “Обод турмуш йили” деб ном берилди. Ободлик кўнгиладан бошланади. Ҳадиси шарифларда бир инсонга табассум қилиб, кўнглини обод этиш ҳам катта фазилат экани айтилган. Ота-боболаримиз бундай анъаналарга доим содиқ бўлишган. Алишер Навоий ҳазратлари кўнгиладан ободлиги ҳақида бундай ёзганлар:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.*

Тинч-хотиржам юртга уйлар қуриш, тўйлар қилиш, ободонлик, шод-хуррамлик ярашади. Юртимизнинг тинчлиги, халқларимиз аҳиллиги ва ҳамжихатлигига кўз тегмасин. Биз дин ходимлари ҳам обод турмуш йилида белни маҳкамроқ боғлаб юртимиз ривожини йўлида сидқидилдан хизмат қилайлик.



# ДУО ҚИЛИШ ОДОБЛАРИ

Дуо ибодатдир. Дуо қилишнинг ҳам ўз одоблари бор. Дуо одоблари хусусида бундай марҳамат қилинади:

أَدْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً إِنَّهُ لَا يُحِبُّ

الْمُعْتَدِينَ ﴿٥٥﴾ وَلَا تَفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ

بَعْدَ إِصْلَاحِهَا وَأَدْعُوهُ خَوْفًا وَطَمَعًا إِنَّ

رَحْمَتَ اللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٥٦﴾

**“Раббингизга зорланиб ва хуфёна дуо қилинг! Зеро, У ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди. Унга (Аллоҳга) ҳам қўрқув, ҳам умид билан дуо қилинглар! Аллоҳнинг раҳмати эзгу иш қилувчиларга яқиндир”** (*Аъроф*, 55–56).

Дуони Аллоҳ таолога ҳамд, Пайғамбаримизга (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) салавот айтиш билан бошлаб дуони улар билан тугатиш унинг ижобатига боис бўлади.

Дуода Аллоҳ таолонинг гўзал исмларини такрор-такрор айтиш, тинчлик, офият, саломатлик билан бир қаторда, дунё ва охират яхшилигини сўраш лозим. Чунки ояти каримада бизга бундай марҳамат қилинган: **«Яна шундайлари ҳам борки, улар: “Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин”, дейдилар»** (*Бақара*, 201).

Кишининг дуолари, ибодатлари Аллоҳнинг ҳузурида макбул бўлишида ҳалол-пок лукма билан озикланиш, қариндош-уруғчилик ришталарини мустаҳкамлаш, гуноҳ ишлардан тийилишнинг жуда муҳим ўрни бор.

Дуо бандани Аллоҳ таолонинг муҳаббатига эриштирадиган амаллардан, шунингдек, ризқнинг мўл, неъматларнинг зиёда бўлишига сабаб ҳамдир.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон муслмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир хайъати

Усмонхон АЛИМОВ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Ортиқбек ЮСУПОВ

Анвар ТУРСУН

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Абдулҳамид ТУРСУН

Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ

Баҳодир КАРИМОВ

Эркин МАЛИК

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Исомиддин ОЛИМОВ

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Мухтарама УЛУҒОВА

Муқова

«Voriz Design» маркази билан  
хамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

Матни

Раҳима КАРИМЖОН кизи

терди.

Манзилимиз

100002, Тошкент шаҳри

Заркайнар 18-берк кўча 47<sup>а</sup>-уй;

Тел: 240-05-19, 227-34-30.

Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)

Интернет почтаимиз: [m-nashr@yandex.ru](mailto:m-nashr@yandex.ru)

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва

ахборот агентлигида рўйхатга олинган.

Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2012 йил 22 декабрда руҳсат берилди.

Босмахонага 2012 йил 25 декабрда топширилди.

Қоғоз бичими 60x841/8. Адади 47.200 нусха.

2710-сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа

акциядорлик компаниясида босилди. Тош-

кент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан

фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос ва

рақамлар учун муаллиф масъул. Хат юборилгани-

да исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар

кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»дан

олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Бугуннинг гапи</b>	
Усмонхон АЛИМОВ	
Ободлик кўнгилдан бошланади .....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Дуо қилиш одоблари .....	2
<b>Яхшиликка чақириш</b>	
Одилхон ЮНУСХОН ўғли	
Етимпарварлик саодат қалити .....	4
<b>Ёмонликдан қайтариш</b>	
Абдураззоқ ЮНУСОВ	
Садақа билан мол камаймайди .....	6
<b>Ҳаж таассуротлари</b>	
Рустамжон ТУРДАЛИЕВ	
Орзуларимиз ушалди .....	7
<b>Ҳадис шарҳи</b>	
Овқатга, ичимликка пуфлаб бўлмайди .....	14
<b>Идора ҳаёти</b>	
Вакилликларда йиғилишлар .....	15
<b>Яхшилар ёди</b>	
Ибратли инсон эди .....	17
<b>Тафаккур</b>	
Зумрад ФОЗИЛЖОН кизи	
Мўмин бахтсиз бўлмайди! .....	18
<b>Мунаввар олам</b>	
Қирқ фарз баёни .....	19
<b>Халқона ўғитлар</b>	
Момоларимиз айтади... ..	22
<b>Эҳтиром</b>	
Қиш соғинчлари .....	23
<b>Шеърят</b>	
Йўлдош ЭШБЕК	
Яхшиликка бўлсин қадамларингиз .....	24
Йўлдош СОЛИЖОНОВ	
Шукрона .....	25
<b>Маълумотхона</b>	
Эрмитаж .....	26
<b>Яхшиликка чақириш</b>	
Чаросхон МУҲИДДИНОВА	
Омонатдорлик омонликдир .....	27
<b>Мерос</b>	
Ҳасанжон ОТАЖОНОВ	
Дилфузахон ТОЖИБОЕВА	
Дин йўлига сарвар мударрисдур .....	28
<b>Насихат</b>	
Ҳолдан тойгач, англашади... ..	29
<b>Минтақа</b>	
Бразилияда Ислом .....	30
<b>Рангин туйгулар</b>	
Зебунисо ХУСАЙН	
Сап-сарик беҳи .....	32

## Саҳобалар ҳаёти

## УМАР ИБН ХАТТОБ

(РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ)

8

Бир куни Набий (ﷺ) масжидга кирибди: “Абу Бакр қаерда? Олдимга келсин. Умар қаерда? Олдимга келсин”, деб айтди. Олдиларига келганларида эса, иккисининг ҳам кўлидан тутиб: “Қиёмат кунида худди шундай қайта тириламиз”, дедилар.

## Масала

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Ҳанафий мазҳабимизда денгиз сувида яшовчи жониворлардан фақат балиқни ейиш ҳалол, сувда яшовчи бошқа барча жониворларни, жумладан, қисчикбақани ейиш мумкин эмас. Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу мазмунли ояти далилдир: “...нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади... (Аъроф, 157).”

12

## Мазҳабимизни ўрганамиз

## ИМОМИ АЪЗАМ ЗАКОВАТИ

16

Бир хотин эгизак туғди. Бу икки болани орқаси бир-бирига ёпишган эди. Уларнинг бири ўлди. Қуфа уламолари “Ҳар иккови кўмилади”, дедилар. Аммо Имоми Аъзам: “Ўлганини тупроққа кўмилсин, тириги то ажралгунича тупроқнинг устида турсин”, деди. Ҳазрат Имоми Аъзам айтганларини қилишди. Бир куни тириги ажралди ва узоқ умр кўрди. Одамлар унга “Имом Аъзамнинг ўғли” деган лақаб қўйишди.

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ Янги институт

Франциянинг Бургунди худудида француз имомларни тайёрлайдиган биринчи институт ташкил этилди. Франция Ғарбий Оврупадаги мусулмон аҳолиси энг кўп мамлакат ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатда Шимолий Африка давлатларидан келганлар ва асли француз миллатига мансуб мусулмонлар сони қарийб олти миллионга етган.

21

**Ж**амиятда ўзгаларнинг эътибори, меҳр-мурувватига муҳтож тоифалардан бири етимлардир.

*Афсус, орамизда ота-онаси вафот этиб кетган ҳақиқий етимлар билан бирга “тирик етимлар” ҳам оз эмас. Уларни ота-онаси маълум сабабларга кўра ташлаб кетишади. Бироқ унутмаслик керак, улар охирабда бу ишларига жавоб беришади, фарзандларидан тонганлари, унга меҳр-мурувват кўрсатмаганларининг жазосини олишади.*

# ЕТИМПАРВАРЛИК САОДАТ КАЛИТИ

Динимиз етим-есирларга ғамхўрлик қилишни, уларнинг бошини силашни буюради, етимнинг ҳақини ейишдан қайтаради. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“То вояга етгунича етимнинг молига яқинлашмангиз, магар чиройли йўл билан (яқинлашишингиз мумкин)”** (Анъом, 152).

Етимнинг молини ейишнинг оқибати хатарли. Аллоҳ таоло айтади: **“Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимса-**

**лар, албатта, қоринларига оловни еган бўлурлар ва албатта, дўзахда куйгайлар”** (Нисо, 10).

Ушбу оят икки хил таъвил қилинади:

1. Улар қиёмат куни жаҳаннамга тушишларига сабаб бўладиган нарсани ейишган.

2. Улар етимнинг молини еганлари боис дўзахда қоринлари олов билан тўлдирилади.

Бундай ҳолга тушишдан Аллоҳ сақласин!

Абу Ҳурайра <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> Расулulloҳдан <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> ривоят қилади: “Тўрт тоифа бор, Аллоҳ уларни жаннатга киритмайди ва унинг неъматларидан баҳраманд қилмайди. (Булар:) хамр ичишга муккадан кетган кимса, рибохўр, етимнинг молини адолатсизлик билан еювчи ва ота-онасига оқ бўлган кимса” (Ҳоким ривояти).

Ота-онаси йўқ етимлар молини ейишдан одамлар тийилишади. Бу қувончли.



Аммо отаси вафот этиб, онаси ҳаёт, уч-тўрт ёки олти-етти ёшли болалари қийин аҳволда бўлишига қарамай, ўзгалар қистови билан ўтказилаётган “эхсон”ларга бориб, у ерда етимга тегишли бўлган молдан, овқатдан кўпчилик сақлана олмайди. Арофимизда бундай ҳолатлар кўп учрайди. Аксинча, биз, етимларга ёрдам беришимиз керак. Балки ушбу маросимни етимнинг амакиси ёки тоғаси қилаётгандир. Бироқ шунга кетадиган пулларни етимнинг ўқиши, уст-боши ва бошқа зарур эҳтиёжларига ишлатиш кераклиги кўпчиликнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: **“Йўқ! Аксинча, сизлар етимни (ҳолидан хабар олиб) икром қилмайсиз. Мискин (бечорага) таом беришга ҳам бир-бирингизни тарғиб этмайсиз. Меросни эса (ўз улушингизга ўзгаларникини) қўшиб еяверасиз”** (*Фажр, 17–19*).

Бу оятда етимларни кимлар хорлаши очик-ойдин баён қилинган: **“Динни (охират жазосини) инкор этадиган кимсани кўрганмисиз? Бас, бу етимни жеркийдиган ва мискин (бечора)га таом беришга тарғиб қилмайдиган (кофир) кимсадир”** (*Моъун, 1–3*).

Демак, Аллоҳга ва охират кунига ишонган банда етимни ҳурмат қилади, унга меҳр кўрсатади. Имони йўқ, Аллоҳга ишонмайдиган ким-

сагина етимни хўрлайди, унга зулм қилади, кўпол муносабатда бўлади.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳга (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) берган неъматларини зикр қилиб, у зотга бундай амр қилган: **“Бас, энди Сиз (ҳам) етимга қаҳр қилманг!..”** (*Зухро, 9*).

Муҳаммад Мустафо (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) она қорнида эканларидаёқ оталаридан етим қолдилар, хали балоғатга етмай туриб, оналаридан ҳам айрилдилар. Аллоҳ марҳамат қилмаганида у зот шунча неъматларга эришмаган бўлардилар.

Етим-есирларга ғамхўрлик қилиш борасида Набийдан (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Абу Хурайра (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Мусулмонларнинг энг яхши уйи унда яхшилик кўрадиган етим истиқомат қиладиган уйдир. Мусулмонларнинг энг ёмон уйи унда етимга ёмонлик қилинадиган уйдир. Мен ва етимни кафилига олган киши жаннатда мана бундай бўлади”, деб бармоқлари билан ишора қилдилар» (*Имом Бухорий, Ибн Можа, Табароний ривояти*).

Демак, етим асраган хонадон аҳллари унга яхши муомалада бўлишлари керак. Акс ҳолда, бу уй Аллоҳ наздида энг ёмон хонадон ҳисобланади. Бундай уй Аллоҳнинг раҳмати ва яхшиликларидан узоқ бўлади.

Абу Умомадан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Ким етимнинг бошини фақат Аллоҳ (розилиги)

учун силаса, унга кўли силанган сочининг ҳар бир толасича савоб ёзилади. Ким ўзининг қарамоғидаги қиз ёки ўғил етимга яхшилик қилса, мен ва у жаннатда мана бундай бўлади”, деб кўрсаткич ва ўрта бармоқлари орасини очганлар (*Аҳмад, Байҳақий, Табароний ривояти*).

Демак, ким жаннатда Расулуллоҳга кўшни бўлишни хоҳласа, етимларга меҳр-кўрсатиб, яхши тарбия қилиши керак.

Абу Хурайрадан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинишича, бир киши Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ҳузурларига қалбининг қаттиқлигидан шикоят қилиб келганида, у зот: “Агар қалбинг юмшашини истасанг, мискинга овқат бер ва етимнинг бошини сила”, деб айтганлар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Ўзбекистонда етимлар ҳеч қачон кўчада қолмаган. Қаерда етим бўлса, уни боқувчи, тарбиясига олувчи ҳимматли инсонлар доим топилган. Ҳозир ҳам бу эзгу анъана давом эттирилмоқда. Жумладан, ҳукуматимиз етим болаларга алоҳида ғамхўрлик қилади, улар турар жой, уст-бош ва озиқ-овқат билан бекаму кўст таъминланган. Бу келажак авлод тарбиясида муҳим ўрин тутаети.

Охиратда Аллоҳ розилигига эришаман, жаннатга кираман деган банда етимга ғамхўрлик қилади, унга зулм қилишдан сақланади.

Одилхон ЮНУСХОН ўғли

**П**

айгамбаримиз <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> бундай марҳамат қилганлар: “Уч нарсага қасам ичаман: Банданинг моли садақа қилиш билан камаймайди. Кимга бирор зулм етганида сабр қилса, Аллоҳ унинг иззат-шарафини оширади. Ким тиланчилик эшигини очса, Аллоҳ унга фақирлик эшигини очади...” (Имом Термизий).

## САДАҚА БИЛАН МОЛ КАМАЙМАЙДИ

Ушбу ҳадисда иккита хайрли ишга чақирилиб, битта иллатдан қайтариляпти. Биринчиси: “Банданинг моли садақа қилиш билан камаймайди”. Бундай дейиш билан Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> биз умматларини садақа қилишга тарғиб этмоқдалар. Бирор киши “молим камайиб қолади” деган хаёл билан хайру садақа қилишдан тўхтамасин. Садақа қилган билан сарват камаймайди, аксинча, зиёда бўлади ва барака киради.

Мол-дунё кўпайишининг сабабларидан бири, унинг закотини ўз вақтида бериш, фақир ва муҳтожларга эҳсон қилишдир. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “**Аллоҳ судхўрликни (фойдасини) йўқ қилади ва садақа (берувчиларга бойлик)ларни зиёда этади...**” (Бақара, 276).

Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> марҳамат қиладилар: “Ким хайру саховат кўрсатиб, кийимга муҳтож одамни кийинтириб, хурсанд қилса, Аллоҳ уни жаннат кийимлари билан кийинтиради. Ким бир

кишини тўйдирса, овқатлантирса, жаннатдаги таомлардан насибадор бўлади”. Бошқа ҳадисда садақа ҳақида Пайғамбаримиз <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> бундай деганлар: “Ҳар кунни тонгда инсонлар уйқудан уйғонганида ер юзига иккита фаришта тушади. Улардан бири: “Ё Аллоҳ, инфоқ-эҳсон қилган инсоннинг моли ўрнини тўлдиргин” деса, иккинчиси: “Ё Аллоҳ, зикна одамнинг молига талафот етказгин”, деб дуо қилади” (*Муттафақун алайҳ*). Демак, моддий имкониятга эга бўлган киши садақа қилиш, муҳтожларга ёрдам беришдан сира қўрқмаслиги, балки хайру эҳсон билан улкан савобларни қўлга киритишга ошиқмоғи зарур.

*Иккинчиси:* “Кимга бирор зулм етганида унга сабр қилса, Аллоҳ унинг иззат-шарафини оширади”. Пайғамбаримиз <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> бу билан бизларни



кечиримли бўлишга тарғиб қилмоқдалар. Кимнинг жонига ёки молига, ёхуд обрў-иззатига бирор кимса жабр-ситама қилса, у киши ўч олишга, ҳақини ундиришга қодир бўлса ҳам, сабр билан кечирса, Аллоҳ таоло унинг иззат-шарафини оширади. Чунки кечиримлилиқ Аллоҳ таолога хуш келадиган амаллардан. Аллоҳ таоло бандаларининг қилган гуноҳларини кечирувчи Зот. Бандалари орасидан кечиримлиларини яхши кўради. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “(У тақводорлар) **фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қиладиган,**

ғазабларини ютадиган, одамларни афв этадиганлардир...” (Оли Имрон, 134).

“Банда тиланчилик эшигини очса, Аллоҳ унга фақирлик эшигини очади”. Муқаддас динимиз тиланчилик қилишдан қайтаради. Айниқса, қўл-оёғи бутун, меҳнатга лаёқатли кимсанинг тиланчилик қилиши қаттиқ қораланади. Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ҳадисларининг бирида, Аллоҳ номига қасам ичиб, дала-даштдан ўтин териб, бозорда сотиб тирикчилик қилиш тиланчиликдан яхши эканини баён этганлар. Бошқа бир ҳадисда эса, дунёда тиланчилик билан кун кечирган кимсанинг қиёмат куни юзида эти қолмаган ҳолда тирилишини айтганлар. Зеро, соғ-омон бўлатуриб, бировлардан тиланаётган кимса юз терисини шилиб ташлаб, ор-номусини оёқости қилиб, ўзини бечораҳол кўрсатишга уринади. Шунга монанд, Аллоҳ таоло ҳам охирадда уни ана шундай ҳолатда тирилтиради. Билагида кучи бўлатуриб, тиланчиликни ўзига касб қилиб олган инсон ҳеч қачон рўшнолик кўрмайди. Чунки Аллоҳ таоло унга фақирлик, камбағаллик эшигини очиб қўяди.

**Абдураззоқ ЮНУСОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси раиси ўринбосари

## ОРЗУЛАРИМИЗ УШАЛДИ

Аллоҳ таолога беҳисоб ҳамду санолар бўлсин, ҳаж ибодатини бажариш бизга ҳам насиб этди. Совет даврида қанча-қанча юртдошларимиз бундай бахтли кунларни орзу қилиб, армонда ўтишган. Истиқлол сабаб, орзуларимиз ушалди. Туманимиздан 27 нафар киши улуғ ибодатни адо этиб қайтдик.

Наманган шаҳридан тўғри Мадинаи мунавварага учдик. Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)нинг масжидлари ёнгинасидаги меҳмонхонага жойлашиб, уч кун мобайнида Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) равзалари, Уҳуд тоғи, Масжиди Қиблагайн ва Ислом тарихида биринчилардан барпо этилган “Қубо” масжидини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдик. Пайғамбаримизнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) “Кимда-ким менинг қабримни зиёрат қилса, гўё мени тирик-лигимда зиёрат қилибди”, деган ҳадисларига мувофиқ, қабри шарифни зиёрат қилиб, яқинларимизнинг биз орқали омонат йўллаган саломларини етказдик. Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) масжидларида намоз ўқиш улуғ саодат. “Ким менинг масжидимда намоз ўқиб, менга салом берса, мени тирик кўрган билан баробар бўлади”, деганлар.

Макка тупроғига қадам қўйганимизда қалбимиз мумдек эриди. Азиз жойларга Аллоҳ таолонинг файзу барокоти ёғилиб тургани шундоқ сезилади. Минода ҳилпираб турган байроғимизни кўриб, кўзимга ёш келди. Бу онлардаги ҳаяжонимни сўз билан ифода этолмайман.

Қаъбани тавоф қилдик. Минода, Арафотда, Муздалифада ҳаж арконларини ихлос билан адо этдик. Муборак жойларда намоз ўқиб, элу юртимиз, барча юртдошларимиз ҳақларига дуо қилдик. Илоҳим, Аллоҳ даргоҳида қабул этсин. Муборак сафар онадан янги туғилгандек гуноҳлардан қутулишимизга сабаб бўлсин, иншааллоҳ.

Биз ҳожиларга давлатимиз жуда яхши шароитлар яратиб берди. Ишчи гуруҳ хизматидан мамнунмиз. Шу кунларга етказганига шукр. Ибодатларимизни қабул қилишини Яратгандан ёлвориб сўрайман.

**Рустамжон ТУРДАЛИЕВ,**  
Фаргона вилояти Бешариқ тумани





**Т**ўлиқ исми: Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл ибн Абду-  
лузза ибн Каъб ибн Луай ибн Фихр бўлиб, тўртинчи  
бобоси Каъб ибн Луайда Пайгамбаримизнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг салом бўлсин)</sup>  
насаблари билан туташади.

# УМАР ИБН ХАТТОБ (РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ)



Ҳазрат Умар <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> Курайш қабиласининг Бану Адий уруғидан. Жоҳилият даврида қабилаининг элчилиқка масъул кишиси бўлган.

Фил йилидан ўн уч йил ўтиб туғилган. Набийга <sup>(у зотга Аллоҳнинг салом бўлсин)</sup> нубувват келганида йигирма етти ёшда бўлган ва нубувватнинг олтинчи йили Исломи қабул қилган. Мўминлар амири бўлганида эллик икки ёшда эди. Унинг амирлик даври ўн йилу олти ою тўрт кун давом этган. Олтмиш икки ёшида вафот этган. Отаси Хаттоб Курайш бошлиқларидан, онаси Ҳамна бинти Ҳошим эди. Аммасининг ўғли Валид ибн Муғира Холид ибн Валиднинг отаси бўлган.

Болалари: ўғли Абдуллоҳ ибн Умар Набийнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг салом бўлсин)</sup> феълларига энг кўп эргашган саҳобалардан. Қизи Ҳафса Набийнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг салом бўлсин)</sup> завжасидир. Умарнинг <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> Фотима ва Осим исмли фарзандлари ҳам бўлган. Қолган уч фарзандини Набийнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг салом бўлсин)</sup>: «Аллоҳга исмларнинг энг ёқимлиси “Абдуллоҳ” ва “Абдурахмон”дир», деган ҳадисларини эшитгач, битта ном билан атаган: “Катта Абдурахмон”, “Ўртанча Абдурахмон” ҳамда “Кичик Абдурахмон”.

Лақаблари: учта лақаби бўлиб, иккитасини Набий <sup>(у зотга Аллоҳнинг салом бўлсин)</sup> кўйганлар. Биринчиси: “Абу Ҳафс”, шернинг боласи деган маънони англатади.

“Абу Ҳафс” деб қизи Ҳафсага нисбатан айтилган деган фикр ҳам бор. Иккинчи лақаби “Форук”. Набий <sup>(у зотга Аллоҳнинг салом бўлсин)</sup>: “Сен Форуксан, яъни: Аллоҳ сен орқали ҳақ билан ботилнинг орасини ажратади”, дея марҳамат қилганлар. Учинчи лақаби эса “мўминлар амири” деб ном олишидир.

Умар ибн Хаттобнинг <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> бўйи узун бўлганидан келатганини кўрган одам уни от миниб олган деб ўйларди. Мушаклари бақувват, мўйлови энли, ўзи оқ-сарикдан келган, чиройли юзли киши бўлган. Юрганида тез, шахдам-шахдам қадам ташларди. Ўктам овозда гапирар, хаёл билан турган одам товушидан кўрқиб кетиши мумкин эди. Бу унинг одамлар орасидаги ҳайбатидан дарак беради.

Исломи қабул қилишидан илгари Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салом бўлсин)</sup>: “Аллоҳ, Исломи Умар ибн Хаттоб ёки Амр ибн Ҳишом билан кучли этгин”, деб дуо қилганлар.

\* \* \*

Мусулмонлар сафи кенгайиб бораётганини кузатиб турган Умар (Исломи қабул қилмасидан илгари) Набийни <sup>(у зотга Аллоҳнинг салом бўлсин)</sup> ўлдиришга қарор қилади. Мак-





ка кўчаларидан қиличини яланғочлаганича Расулуллоҳнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> уйлари томон юра бошлайди. Уни саҳобалардан бири кўриб қолиб: “Йўл бўлсин, эй Умар”, деб сўрайди. Умар: “Муҳаммаднинг олдига, уни ўлдираман ва Қурайшни ундан қутқараман”, дейди. Саҳоба Набийга <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> зарар етиб қолишидан чўчиб: “Бани Абдулмуталлиб бунга йўл қўяди деб ўйлайсанми?” дейди. Бу гапни эшитган Умар: “Қарасам, сен ҳам Муҳаммадга эргашганга ўхшайсан, диндан чиқибсан”, деб таҳдид қилади. Саҳоба: “Йўғ-е, бундай эмас. Лекин, эй Умар, олдин ўзингнинг этагингни йиғиштир, Муҳаммаднинг хузурига боришдан олдин синглинг ва куёвингни тарбиялаб ол. Улар Муҳаммадга эргашиб кетишган”, дейди. Бу гапдан Умарнинг тепа сочи тикка бўлади ва синглисининг уйига йўл олади. Саҳоба эса тезда Набийнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> хузурларига бориб, у кишини вазиятдан огоҳлантиради.

Умар синглисининг уйида куёви Саидни ушлаб олиб: “Динингдан қайтиб, Муҳаммадга эргашибсан, шундайми?” деб дўк уради. Саид: “Тўғри йўл сенинг динингдан бошқа динда бўлса-чи?” деб эътироз билдиргани заҳоти кучли зарба ейди. Умар Саиднинг устига ўзини отиб, аёвсиз ура бошлайди. Юзига ураётган вақтида Фотима бинти Хаттоб келиб қолади ва Умарни эридан нари қилишга уринади. Фоти-ма акасига: “Акажон, тўғри йўл сенинг динингдан бошқа динда бўлса, нима дейсан?!” дейди дадиллик билан. Натижада бир тарсаки ейди. Шу пайтда беҳосдан қўлидаги варақ тушиб кетади. Буни кўрган Умар: “Уни менга узат-чи!” дейди буйруқ оҳангида. Синглиси: “Сен нопоксан, бунда эса Аллоҳнинг каломи бор, уни фақат пок кишиларгина ушлайди, бориб ювиниб кел”, дейди. Умар ювиниб келгач, қоғозни ўқий бошлайди. Бу Тоҳо сураси эди: «**То, хо.** (Эй Муҳаммад!) **Биз Сизга бу Қуръонни** (дин ишида) **машаққат чекишингиз учун эмас, балки** (Аллоҳдан) **қўрқадиган кишилар учун эслатма сифатида нозил қилдик.** (У) **Ерни ва юксак осмонларни яратган зот** (Аллоҳ томони)дан **нозил қилингандир.** (У) **Арш узра “муставий” бўлмиш Раҳмондир.** Осмонлардаги, Ердаги ва уларнинг орасидаги ҳамда замин остидаги бор нарса **Униқидир.** Агар (Сиз) **ошкора гапирсангиз ҳам** (ёки хуфийна гапирсангиз ҳам), **албатта, У сирни ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур.** Аллоҳ – **Ундан ўзга илоҳ йўқдир.** Унинг “Асмон

**Хусно”си** (гўзал исмлари) **бордир»** (Тоҳо, 1–8). Шундан сўнг Умар: “Бу сўзни фақат оламларнинг Раббиси айта олади. Лаа илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ. Мени Муҳаммаднинг хузурига олиб боринглар”, дейди. Хабоб ибн Арот унинг олдига чиқиб: “У зот <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> Арқам ибн Абу Арқамнинг хонадонидадир. Мен сенда Расулуллоҳнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup>”: “Аллоҳим, Исломни Умар ибн Хаттоб ёки Амр ибн Ҳишом билан кучли этгин”, дея қилган дуоларининг ижобатини кўряпман”, дейди. Умар ибн Хаттоб бу гапдан хурсанд бўлиб кетди ва Арқамнинг уйига бориб эшик қокди. Умар ичкарига киргач, Пайғамбаримизнинг тиззаларига ўзини ташлайди. Шунда Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup>: “Энди имон келтирасанми, эй Умар”, дейдилар. Умар ибн Хаттоб: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Унинг бандаси ва расули эканига гувоҳлик бераман”, дея шаҳодат калимасини айтади.

\* \* \*

Набий <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> унга жаннат башоратини берганлар. Абу Мусо Ашъарий <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> айтади: «Мен Набийни <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> масжиддан изладим. Тополмагач, у зотнинг қаердаликларини сўрадим. Менга ҳозиргина чиқиб кетганларини айтишди. Арис қудуғига етганимда, у зот оёқларини қудуққа солиб ўтирган эканлар. Эшиқбон бўлиб туришни мақсад қилдим. Шу пайт Абу Бакр келди. Унга: “Бугун мен эшиқбонман. Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> рухсат бермагунларича ичкарига кирмайсан”, деб айтдим. Абу Бакр <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ҳайрон бўлди ва рухсатни кутиб турди.

Сўнг Расулуллоҳнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> ёнига бориб: “Эй Аллоҳнинг расули, Абу Бакр сиздан киришга изн сўраяпти”, деб айтдим. Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> унинг келганидан хурсанд бўлиб, табассум қилдилар ва: “Киришига рухсат бер ва унга жаннат башоратини ҳам бер”, дея марҳамат қилдилар. Айтганларидай қилдим. Абу Бакр ичкарига кириб, Пайғамбаримизнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> ёнларига ўтирди ва у ҳам оёқларини қудуққа солиб олди. Шу вақт ҳазрат Умар келиб қолди. Энди ичкарига кирмоқчи бўлганида “Бугун мен эшиқбонман, Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> рухсат бермагунларича ичкарига кириш йўқ”, деб айтдим. Набий <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> унга ҳам ижозат бериб, жаннат хабарини айтдилар».

\* \* \*

Кунларнинг бирида Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> асҳоблари орасида ўтирганларида: “Абу





Бакр қандай ҳам яхши инсон, Умар қандай ҳам яхши инсон”, дея марҳамат қилдилар. Бошқа бир куни Набий (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) масжидга кириб: “Абу Бакр қаерда? Олдимга келсин. Умар қаерда? Олдимга келсин”, деб айтдилар. Олдиларига келганларида эса, иккисининг ҳам қўлидан тутиб: “Қиёмат кунида худди шундай қайта тириламиз”, дедилар. Ҳасан Басрий (Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) бундай ҳикоя қилади: «Қиёмат куни Ислому одам суратида келади. Сўнг одамларга бирма-бир қараб: “Эй Раббим, мана бу менга ёрдам берди, мана бу мени хор қилди”, деб айтади. Сўнгра Умар ибн Хаттобга (Аллоҳ ундаи рози бўлсин) қараб унинг қўлидан тутади ва: “Эй Раббим, мана шу киши Исломуни қабул қилгунига қадар мен ғариб эдим”, дейди». Набий (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) айтадилар: «Тушимда жаннатда эканим кўрсатилди. У ерда катта қаср кўрдим. Шунда мен: “Бу қаср кимники?” деб сўрадим. Менга: “Бу қурайшлик кишининг қасри”, дейилди. “Мениким?” деб сўрадим. “Йўқ, бу Умар ибн Хаттобнинг қасридир”, дейишди».

Яна бир ҳадисда Набий (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) айтадилар: «Тушимда жаннатда эканим кўрсатилди. У ерда улкан қасрни кўрдим. Қаср олдида бир аёл таҳорат олаётган эди. Ҳалиги аёлдан: “Бу қаср кимники?” деб сўрадим. У: “Умар ибн Хаттобники” деб жавоб берди. “Шунда Умарнинг рашкани эслаб, у ерга кирмай кетдим”, дедилар. Бу гапни эшитган ҳазрат Умар йиғлаганича: “Мен сиздан рашк қиламанми, эй Аллоҳнинг Расули?!” деди».

\* \* \*

Қурайш аёллари Пайғамбаримиздан (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) динни ўрганаётган эди. Гаплашаётган вақтларида товушларини Набийнинг (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) овозларидан юқори кўтариб юборишди. Шу пайт ҳазрат Умар (Аллоҳ ундаи рози бўлсин) эшик тақиллатиб қолди. Унинг овозини эшитгач, аёлларнинг дами ичига тушиб, кўрқиб кетишди. Набий (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) эса кулиб юбордилар. Ҳазрат Умар (Аллоҳ ундаи рози бўлсин) ичкарига кирганида унга: “Биласанми, Умар, анави аёллар менинг ҳузуримда гаплашиб ўтириб, овозларини меникидан баланд кўтараётган эдилар.





Сен келишинг билан жим бўлиб қолдилар, нафаслари ичига тушиб кетди”, дедилар. Шунда Умар: “Эй Аллоҳнинг расули, сиздан кўрқишларига ҳақлироқсиз”, деди ва аёлларга қарата: “Эй ўз жонининг душманлари, мендан кўрқасизлар-у, Аллоҳнинг расулидан кўрқмайсизларми?!” деди. Аёллар унга жавобан: “Ахир сен кўполсан-да”, дедилар. Пайғамбар (у зотга Аллоҳнинг саломини бўлсин) кулиб юбордилар ва: “Эй Умар, агар шайтон сенга йўлда дуч келиб қолса, ўзига бошқа йўл топиб кетади”, дедилар.

\* \* \*

Бир ривоятга кўра, Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин): “Тушимда мен тарозининг бир палласига, умматим эса иккинчи палласига қўйилди. Мен оғир келдим. Сўнгра Абу Бакр бир паллага ва уммат бир паллага қўйилди. Абу Бакр оғир келди. Сўнг Умар бир паллага ва уммат иккинчи паллага қўйилганди, Умар оғир келди”, дея марҳамат қилганлар.

\* \* \*

“Нима учун тиланчилик қияпсан?” дея сўради йўлда гадойчилик қилиб ўтирган кишидан ҳазрат Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин) кунларнинг бирида. Ҳалиги яҳудий: “Жизя тўлаш учун мол йиғяпман”, деб жавоб қилди. Ҳазрат Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Биз сендан ёшлигингда жизя олиб, энди қариб-кексаиб қолганинда тиланчилик қилишга ташлаб қўйибмиз-ку! Йўқ, Аллоҳ ҳаққи, сенга албатта нафақа берамиз”, деди ва қарияга бундан олдин тиланчиликдан тушган нарсаларни эгаларига қайтаришини буюрди ва ўша ондан бошлаб барча Ислом ўлкаларига у ерда яшайдиган барча яҳудий ва насороларнинг қария ва ногиронлари, болалари ва аёлларига моддий ёрдам берилсин, деб амр қилди.

\* \* \*

Ҳазрат Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин) тунлари Мадина кўчаларини айланиб юришга одатланган эди. Ана шундай сайрларнинг бирида гўдак йиғисини эшитиб қолиб, яқинлашди ва ичкаридан эркак кишининг: “Болага нима бўлди? Аллоҳ ҳаққи, уни эмизгин!” дегани ва аёл кишининг: “Бориб болага егулик олиб келинг”, деб жавоб қайтарганини эшитиб қолди. Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин) яна бир кеча уларнинг эшиги олди-дан ўтди. Ичкаридан яна эркак кишининг: “Аллоҳ ҳаққи, болани эмизсанг-чи”, деган танбеҳи эшитилди. Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин) учинчи кеча

ана шу уйнинг олдида тунаб қолди ва эрнинг ғазаб аралаш: “Сенга ўхшаган онани ҳеч ҳам кўрган эмасман, нима бўлди ўзи?” деб сўрагани, аёлнинг: “Мени тинч қўйинг, Умар ибн Хаттоб фақат кўкракдан ажраган болалар учун маош тўлайди, менинг болам эса эмади”, деганини эшитди. Бу гапдан сўнг ҳазрат Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин) йиғлаб юборди. Кўп йиғлаганидан бомдодда имомликка ўтиб беролмади. Бу ҳолга тушунмай турган мусулмонлар намоздан сўнг шавкатли амирнинг: “Эй Умар, Қиёмат кунида шўринг курийдиган бўлди. Қанчадан-қанча болаларнинг ҳақиға зомин бўлдинг”, дея ўзини маломат қилганини эшитишди. Сўнгра Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Эй одамлар, Аллоҳ ҳаққи, бугундан бошлаб, болаларингизни сутдан ажратманг. Қиёмат кунида улар туфайли сўроққа тутилмаслигим учун Исломда туғилган ҳар бир гўдакка маош тайин қиламан”, деди.

\* \* \*

Бир куни ҳазрат Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Эй одамлар, агар бошим билан дунёга шўнғиб кетсам нима қиласизлар?” деб сўради. Ҳеч ким бирор сўз айтмади. У бу саволини уч марта қайтарди. Шунда одамлар орасидан бир киши туриб: “Агар бошинг билан дунёга шўнғийдиган бўлсанг, сен билан қиличимиз орқали гаплашамиз!” деди. Шунда ҳазрат Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Муҳаммад умматидан Умарни тўғрилаб қўядиган кишини пайдо қилган Зотга ҳамду сано бўлсин”, дея Аллоҳга ҳамд айтди.

\* \* \*

Умар ибн Хаттобдан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) мағлубиятга учраган Ҳирақл мусулмонлар амири билан учрашиш учун элчи жўнатади. Элчи Мадина кўчаларидан юриб, мўминлар амирининг қасрини қидира бошлайди. Бир кишидан сўраганида: “Мана шу йўлдан борсанг, уни учратасан”, деган жавобни олади. Йўлда эканида унга бошқа бир киши: “Дарахт тагида ухлаб ётган кишини кўряпсанми, ана ўша мўминларнинг амиридир”, дейди. Шунда элчи бошининг тагига оёқ кийимини қўйиб, терга ботиб ухлаб ётган Умарни кўради ва: “Адолатли ҳукм суриб, хотиржам ухладинг. Биз эса подшоҳлик куриб, зулм қилдик ва кўрқиб бедор бўлдик. Эй мусулмонлар, шу сабаб бизнинг устимиздан ғолиб бўлдинглар”, деди.

Юлдуз КОМИЛОВА  
тайёрлади.





# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Саволларингизга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий  
Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради.



Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатух. Хурматли Муфтий ҳазратлари!

**Савол:** Сажда қилганида қуймичи, белининг паст қисми очилиб қолган кишининг намози дуруст бўладими?

**Жавоб:** Намозда аврат аъзоларининг тўртдан бири ёки ундан кўп қисми очилиб қолишининг ҳукми ўша аъзонинг ҳаммаси очилиб қолганининг ҳукми кабидир. Намозда ёпилиши керак бўлган аврат аъзоларининг тўртдан бири очилиб қолса ва шу ҳолда бир рукни адо этса, намоз бузилади. Агар иккита аврат аъзонинг тўртдан биридан ками очилиб қолиб, улар қўшилганида бир аъзонинг тўртдан бирига тўғри келса, намоз бузилади. Аммо очилган авратни дарҳол ёпиб олган кишининг намози билиттифоқ бузилмайди. Аврат бўлган аъзонинг тўртдан биридан кам қисми очилиб қолса, зарари йўқ. Авратининг тўртдан бири очилиб, бир рукн адо этилиши муддатича турган кишининг, Имом Абу Юсуф наздида, намози бузилади. Имом Муҳаммад эса бузилмаслигини айтган (*“Фатовоийи Ҳиндия”*).

Демак, сажда қилганида қуймичи, белининг киндикдан пастки қисми очилиб қолган одамнинг намози дуруст бўлмайди.



**Савол:** Куён гўштини ейиш мумкинми? Типратикан гўштини-чи?

**Жавоб:** Куённинг гўштини ейиш мумкин. Чунки Пайғамбаримизга (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин) қизартириб пиширилган куён гўшти берилганида ундан еганлар ва саҳобаларга ҳам ейишни айтганлар. Чунки куён йиртқич ва ўлаксахўр хайвон эмас. Шу боис уни кийикка қиёс қилишади (*“Ҳидоя”*).

Типратиканнинг гўшти эса ейилмайди, унинг гўшти барча мазҳабларга кўра ҳаромдир (*“Фатовоийи Ҳиндия”*).



**Савол:** Бирор ишни қилишдан олдин Қуръони каримни очиб, раҳмат ёки хушxabар оятига кўзи тушса, ўша ишни қилиш, азоб оятини кўрса қилмаслик жоизми?

**Жавоб:** Қуръондан мазкур тарзда фол кўришни кўпчилик уламолар жоиз эмас, де-

йишган. Шариатимизда истихора қилиш бор. Истихора намози бор. Истихора икки ишдан хайрлироғини ишташ деганидир.

Истихора намози ҳақида Жобир (Аллоҳ ундан ризи бўлсин) бундай деганлар: «Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин) бизга барча ишларда истихорани худди Қуръонни ўргатганлари каби ўргатиб: “Бирортангиз бир ишни қилмоқчи бўлса, икки ракат нафл намоз ўқисин. Сўнг бундай десин: “Ё Аллоҳ! Мен Сенинг илминг билан Сендан истихора этаман – яхшиликни сўрайман. Сенинг кудратинг билан Сендан қодирлик истайман. Сен куч-қудрат эгасисан, мен ожизман. Сен (ҳамма нарсани) билувчисан, мен билмайман. Сен ғайбни билгувчисан. Ё Аллоҳ! Агар мана шу ишни (ҳожатини айтади) мен учун динимда, ҳаётимда ва оқибатда яхши деб билсанг, уни менга тақдир қил ва осон эт. Сўнг уни менга барокотли қил. Агар бу ишни мен учун динимда, ҳаётимда ва оқибатда ёмон деб билсанг, уни мендан, мени ундан узоқлаштир. Қаерда бўлса ҳам, менга яхшиликни насиб эт ва мени яхшилик билан хушнуд қил”» (*Имом Бухорий ривояти*).



Уламоларнинг сўзларига кўра, сафарга чиқиш, тижорат, уйланиш каби ҳаром бўлмаган ҳар бир ишда истихора қилиш мустаҳабдир. Ҳаром амаллар учун истихора қилинмайди, чунки биз у ишларни қилишдан шундоқ ҳам қайтарилганмиз. Шунингдек, фарз ибодатлар учун ҳам истихора қилинмайди. Зеро, фарз амаллар вазифамиздир.



**Савол:** Киши шаръан мусофир саналиши учун белгиланган масофани ҳозир бир неча соатда босиб ўтиш мумкин. Айтинг-чи, бу ҳолда мусофирга берилган рухсатлар ўзгармайдими?

**Жавоб:** Ҳанафий мазҳабида кўра, киши мусофир бўлиши учун туяда ёки пиёда ўртача юришда уч кеча-кундузда етиладиган жойга боришни ният қилиб, йўлга чиқиши лозим. Киши ана шунча масофага боришни ният қилиб уни замонавий улов воситаларида қисқа муддатда босиб ўтса ҳам, мусофир бўлади ва намозларини қаср қилиб ўқиши керак (“Баҳр”, “Нихоя”).



**Савол:** Мен иш юзасидан кўпгина давлатларга сафар қилиб тураман. Бир мамлакатга борганимда, мезбонлар қисқичбақали овқатни таклиф қилишди. Мен емадим. Мезбонлар қисқичбақани бемалол тановул қилганларидан ҳайрон бўлдим. Қисқичбақани еса бўладими?

**Жавоб:** Шофиъий ва моликий мазҳабида қисқичбақа ва бошқа барча турдаги денгиз жониворларини ейиш мубоҳ. Улар: “**Ўзингиз ва сайёҳ (ўткинчи)лар фойдаланиши учун сизларга денгиз ови ва таоми (балиқлари) ҳалол қилинди**” (Моида, 96), мазмунли ояти қаримасига ҳамда Пайғамбаримизнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>: “Денгиз суви покловчи ва ўлимтиги ҳалолдир” (Абу Довуд ва Термизий ривояти) мазмунли ҳадисларига суянишади.

Аммо бизнинг ҳанафий мазҳабимизда денгиз сувида яшовчи жониворлардан фақат балиқни ейиш ҳалол, сувда яшовчи бошқа барча жониворларни, жумладан, қисқичбақани ейиш мумкин эмас. Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу мазмунли ояти далилдир: “**...нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади...** (Аъроф, 157). Денгиз ҳайвонлари ичида балиқдан бошқа барчаси нопокдир. Шофиъий ва моликийлар далил қилган оятдаги “сайд” сўзи “овлаш” маъносидадир. Чунки гўшти ейилмайдиган ҳайвонларни ҳам овлаш мумкин. Ҳадиси шарифдаги “майтаг” – “ўлимтик” сўзидан мурод балиқдир. Денгиз ҳайвонларидан фақат уни ейиш ҳалол қилинган. Ибн Можа ва Дорақутний ривоят қилади: «Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> бундай марҳамат қилганлар: “Биз учун икки ўлимтик ва икки қон ҳалол қилинган. Ўлимтиклар балиқ ва чигиртка, қонлар жигар ва қора жигар”» (“Ҳидоя”). Ўзи сабабсиз ўлиб, қорни юқорига бўлиб сув юзасига чиқиб қолган балиқлар ейилмайди (“Фатовоийи Ҳиндия”).

Нўъмон АБДУЛМАЖИД  
ёзиб олди.



Абу Нуъайм ва Абу Осим Узра ибн Собитдан <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup>, у эса Сумома ибн Абдуллоҳдан <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> келтиради: «Анас ибн Молик <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> идишдан икки ё уч бор хўплаб сув ичиб, ҳар гал хўплаганидан сўнг идиш ташқарисига нафас чиқарди ва: “Пайғамбаримиз <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> идишдан уч бор хўплаб сув ичиб, ҳар хўплаганларидан сўнг идиш ташқарисига нафас чиқарган эдилар”, деб айтди» (Имом Бухорий ривояти).



## ОВҚАТГА, ИЧИМЛИККА ПУФЛАБ БЎЛМАЙДИ

**Шарҳ:** Инсон одатга кўра ҳар кун ичмади маҳал овқатланиши, вақти-вақти билан сув ичиши табиий эҳтиёждир. Ҳар беш-ўн сония ичида тоза ҳаводан нафас олиб, нафас чиқармасликнинг иложи йўқ. Чиқарган нафасимизни тутунга ўхшатишимиз мумкин. Шу бо-

нинг ичида гард кўринса-чи”, деб сўрайди. Шунда у зот <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup>: “Гардни сув билан оқизиб тушир”, деганлар.

Одобга кўра, сув ичаётган кишининг нафас чиқаргиси келган пайтда сув ичишдан тўхтаб, оғзидан идишни узоклаштириб, нафасини ростлаб олиши тавсия этилади.

Ушбу ҳадис зоҳирига кўра, Абу Қатода <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоятидаги “Сизлардан бирингиз сув ичса, идишга пуфламасин...”, мазмунли ҳадиси шариф маъносини тўлдирди. Пайғамбаримизнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> сувни хўплаб-хўплаб бир, икки, баъзида уч бор нафасларини ростлаб олганлари ва туя каби сувни бир симиришда ичишнинг яхши эмаслиги ҳадисларда баён қилинган.

Сув ўтириб ичилади, уни ичишдан олдин “Бисмиллаҳир раҳманир раҳим”, дейилади. Сувга пуфланмайди, ичиб бўлгач, Ҳақ таолога ҳамд айтилади. Идишни оғзидан узоклаштириб, нафас чиқарилади. Агар шундай қилинса, чанқоқ босилади, сув танага роҳат бағишлайди. Аксинча, шошиб, баъзи ҳайвонлардек пишиллаб ичиш меъ-





да, қизилўнғач каби аъзоларга зарар етказди, дейилган. Ҳазрат Абу Ҳурайра <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилади: «Албатта, Пайғамбаримиз <sup>(У зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> уч нафасда сув ичардилар. Сув идишни оғизларига яқинлаштирган пайтларида “Бисмиллаҳир раҳманир раҳим”, охирига етказганларида эса “Алҳамдулиллаҳ”, дердилар. Уч марта шундай қилардилар» *(Имом Табароний ривояти)*. Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисда бундай дейилган: «Сизлар сув ичиш пайтида “Бисмиллаҳир раҳманир раҳим”, ичиб бўлганларингда эса “Алҳамдулиллаҳ”, денглар» *(Имом Термизий ривояти)*.

Меҳлаб айтади: “Айримлар сув ичаётиб идиш ичига нафас чиқаради, иссиқ овқат ёки қайноқ сувни пуфлаб совутишга уринади. Бу жуда хунук одатдир, ён-атрофдагилар ҳам бундан нафратланади”. Ибн Арабий бундай дейди: “Одобга риоя қилиш улуғ хулқлардандир. Бир одам ўзи учун пуфлаб ё нафас чиқариб еб қолдирган овқатини бошқа бир киши олиб емоқчи бўлганида, уни огоҳлантириши зарур. Акс ҳолда, бахиллик қилган бўлади. Бахиллик эса ҳаромдир”. Имом Қуртубий: “Сув ичаётиб идишга нафас чиқаришдан қайтарилганимизнинг сабаби оғиздаги бадбўй ҳид ёки сўлак билан сувни ифлослантиришдан сақланишдир”, деб таъкидлайди.

Биз мўминлар бундай чиройли одобларга ҳамиша риоя қилсак, Пайғамбаримизнинг <sup>(У зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин)</sup> суннатларига амал қилганимиз боис, иншааллоҳ, шафоатларига ҳам эришамиз.

*“Фатҳул Борий шарҳи Саҳиҳил Бухорий” китоби асосида*  
**Абдувоҳид ЎРОЗОВ**  
*тайёрлади.*



## ВАКИЛЛИКЛАРДА ЙИҒИЛИШЛАР

Шу йил декабр ойининг учинчи куни Жиззах шаҳридаги “Қўшчинор” жомеида вилоят масжидлари имом-хатибларининг умумий йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим бўлими ходими Умид Хўжаев, “Мовароуннахр” нашриёти директор ўринбосари Абдул Жалил Хўжам



иштирок этишди. Тадбирни вилоят бош имом-хатиби Меҳмонали Жабборов очди. У 2012 – “Мустаҳкам оила йили” да вилоят масжидларида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди. Меҳмонали Жаббаров имом-хатибларни диний нашрларимиз – “Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газетасига 2013 йил учун обунани ташкил этишда фаол бўлишга чақирди.

\* \* \*

Декабр ойининг бешинчи куни Гулистон шаҳрида ҳам вилоят масжидлари имом-хатибларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита масжидлар бўлими мудири Муҳаммад Бобур Йўлдошев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнус, “Мовароуннахр” нашриёти директор ўринбосари Абдул Жалил Хўжам қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Сирдарё вилоят вакили Мўминжон Усмоновнинг 2012 йили амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди. Шунингдек, йиғилишда ёшлар тарбияси, масжидлар ҳовлиси ва атрофларининг тозалиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш, диний нашрлар обунаси каби долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

*Мухбиримиз*

*Мазҳаббошимиз Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг (раҳматуллоҳи алайҳ) тақволари, ибодатлари ва илмлари ҳақида жуда кўп гапирилган, ёзилган. Қуйида эътиборингизга Васлий Самарқандийнинг “Имоми Аъзам ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар” китобидан олинган парчани ҳавола қиламиз. Унда улуг имом заковатининг яна бир қиррасини очиб берадиган қизиқарли маълумотлар берилади.*

# ИМОМИ АЪЗАМ ЗАКОВАТИ

\* \* \*

Имоми Аъзамни дўст кўрмайдиган бир кимса у зотдан сўради: “Жаннатни умид қилмайдиган, дўзахдан кўрқмайдиган, ўлимтик ейдиган, руку ва саждасиз намоз ўқийдиган, кўрмаган нарсасига гувоҳлик берадиган, ҳақни ёмон кўрадиган ва фитнани яхши кўриб, раҳматдан қочадиган, яҳудий ва насронийлар сўзларини тасдиқлайдиган киши ҳақида нима дейсиз?”

– У одам Аллоҳ таолонинг ҳақиқий дўстларидандир. Негалигини баён қилсам, тилингни ёмон сўзлардан тиясанми?

– Ҳа, тилимни беҳуда сўзлардан тийиб тавба қиламан.

– Унинг сифати бундай: у одам жаннатни умид қилмайди, балки жаннатнинг

Парвардигорини умид қилади; дўзахдан кўрқмайди, балки дўзахнинг Парвардигоридан кўрқади; балиқнинг ўлимтигини ҳам ейди; жаноза намозини руку ва саждасиз ўқийди; Аллоҳ таоло билан Пайғамбарни кўрмасдан, Худонинг бирлиги ва борлигига ҳамда Муҳаммад (алайҳиссалом) Худонинг бандаси ва пайғамбари эканига гувоҳлик беради; Аллоҳ таолога узоқ йил тоат қилмоқ учун ўлимни ёмон кўради; мол-дунё ва фарзанд фитна бўлса ҳам, яхши кўради; ёмғир Аллоҳнинг раҳмати бўлса ҳам, ундан қочади; “Яҳудийлар: **“Насронийлар ҳеч нарсада йўқ” десалар, насронийлар: “Яҳудийлар ҳеч нарсада йўқ”, дейдилар...**” (Бақара, 113) оятини тасдиқлайди.

Шунда савол сўраган киши ўрнидан туриб, Имоми Аъзамнинг қўлларини ўпди ва: “Гувоҳлик бераман, мазҳабингиз ҳақдир, энди инкорим қолмади”, деди.

\* \* \*

Ибн Муборак Имоми Аъзамдан сўради: “Қайнаб турган қозондаги овқатга бир учар куш тушиб ўлса, қозондаги гўшт билан шўрванинг ҳукми қандай бўлади?” Имоми Аъзам уламо шогирдларидан: “Сизлар нима дейсиз?” деб сўради. Шогирдлари Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят келтирдилар, “Шўрвани тўкиб, гўштини ювиб, еса бўлади”. Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) айтди: “Бу фатво қозон қайнамай турган вақтда тўғри бўлади. Аммо қайнаб турган вақтда



гўшти ҳам ташлаб юбориш керак. Зеро, нажас гўштининг ичига таъсир қилиб, ифлос қилади. Қайнамаган пайтда эса, нажас гўшт ичига таъсир қилмайди, шунинг учун тоза сувда ювиш билан пок бўлади”. Ҳамма улуг имомнинг заковатига қойил қолди.

\* \* \*

Кунларнинг бирида Имоми Аъзамнинг кўшнисининг товуси йўқолди. Кўшни Имоми Аъзамга келиб: “Товусимни ўғри олибди, энди нима қиламан?” деди. Имоми Аъзам масжидга бордилар. Маҳалла одамларини ҳам йиғдилар. Имоми Аъзам ҳеч кимни кўрсатмай баланд овозда: “Бу одамни қаранг, кўшнисининг товусини ўғирлабди, яна уялмасдан намоз ўқийман, деб масжидга келибди. Ҳолбуки, унинг бошида товуснинг патлари кўриниб турибди”, дедилар. Шунда бир киши шошиб бошини қокқан бўлди. Имоми Аъзам унга айтди: “Энди сен товусни қайтариб бергин”. У Имомнинг айтганини қилди.

\* \* \*

Бир хотин эгизак туғди. Бу икки бола-ни орқаси бир-бирига ёпишган эди. Уларнинг бири ўлди. Куфа уламолари “Ҳар иккови кўмилади”, дедилар. Аммо Имоми Аъзам: “Ўлгани тупрокка кўмилсин, тириги то ажралгунича тупрокнинг устида турсин”, деди. Ҳазрат Имоми Аъзам айтганларини қилишди. Бир куни тириги ажралди ва узоқ умр кўрди. Одамлар унга “Имом Аъзамнинг ўғли” деган лақаб қўйишди.

\* \* \*

Бир гуруҳ даҳрийлар ҳазрат Имоми Аъзамни ўлдирмоқчи бўлишди. Имоми Аъзам: “Сизлардан бир масала сўрайман, кейин хоҳлаганингизни қиласиз”, деди ва: “Бир кеманинг ичи тўла мол бўлса ва денгиз тўлқинли бўлса, кемачи бўлмаса, бу кема ўз-ўзидан нажот топиб, бирор тарафга кета оладими?” деб сўради. Даҳрийлар: “Мумкин эмас, бу иш мушкулдир”, деб жавоб беришди. Сўнгра Имоми Аъзам айтди: “Бу дунёнинг борлиги, атроф-муҳитнинг ўзгариб туриши, оламда жараён этаётган шунча ишлар бир яратувчи ва бошқариб турувчисиз содир бўла оладими?” Шунда ҳамма даҳрийлар тавба қилиб, яроғларини ғилофига солишди ва Тангри таолонинг бир ва борлигига имон келтиришди.



## ИБРАТЛИ ИНСОН ЭДИ

Умр ҳар кимга ўлчаб берилган. Кимгадир узун, кимгадир қисқа. Муҳими, инсоннинг қанча эмас, қандай яшашидир.

Динимизда яхшилик қилиш билан инсоннинг умри узаяди, дейилади. Яхшилик билан одамнинг умри ой, кун, йил ҳисобида узаймаса-да, қилган савоб ишлари туфайли ҳамиша яхшиликлар ила ёд этилади. Бу мисолни Обиддин Элтоев ҳаёт йўлида ҳам кўришимиз мумкин.

Обиддин Элтоев 1956 йили Самарқанд вилоятининг Челақ туманида туғилди. Ўрта мактабни битириб, турли вазифаларда меҳнат қилди. Сўнг Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислоҳ институтини таҳсил олгач, “Имом Бухорий” масжидида ва «Мир Араб» мадрасасида хизмат қилди. Қарда ишламасин, ўз вазифасига масъулият билан ёндашди. Кейинроқ Обиддин Элтоев Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг девонхонасига ишга тайинланди. У ерда сидқидилдан хизмат қилди. Ўз устида тинмай ишлади, чет тилларни ўрганди, илм олишдан тўхтамади.

2003 йили Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси мудирини этиб тайинланди ва умрининг сўнгги кунигача шу вазифада ишлади.

У киши жуда самимий инсон эди. Қайси ҳолатда бўлишидан қатъи назар, ҳатто бошига бирор ташвиш тушиб турганида ҳам, бошқалар билан очик чехра, ёруғ юз билан муомала қилар, жамоат ишларида фаол эди.

Обиддин Элтоев 56 ёшида оламдан ўтди. У умрининг охиригача элу юрт, дин хизматида бўлди. Ҳамкасбимизнинг умр йўли биз учун ибратлидир. Аллоҳ таоло у кишининг охиратини обод қилсин.

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси*





# МЎМИН БАХТСИЗ БЎЛМАЙДИ!

– Мўмин қандай бўлмайди?

Ҳар галгидек бир яхши гап айтишингизни билганим, тезроқ эшитгим келгани учун, ўйламасдан ҳам туриб, “шаҳар бераман”.

– Наҳот, ҳадис эсингизда йўқ?

– Ёлғончи бўлмайди!

– Тўппа-тўғри. Лекин ўзим айтмасам, барибир тополмайсиз. Мўмин ҳеч қачон бахтсиз бўлмайди!

*Дугонам Сурайё билан суҳбатдан.*

Ҳар гал сиз билан суҳбатлардан кўнглим мунаввар тортади, хазина топган камбағалдек қувонаман. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Сиз айтган биргина жумла мен учун қанчалар хотиржамлик, ҳикматлар олиб келганини билсангиз эди!

Ахир, шу гапингиз қанча саволларимга жавоб, неча кузатувларимга асос бўлди. Жуда кўп фойдаландим, яна фойдаланаман. Ахир, ҳикмат – мўминнинг йўқотган нарсаси, қаердан топса, олишга, корига яратишга ҳақли.

Аввало, одам ҳеч қачон ўзини бахтсиз ҳис қилмасин, шундай бўлдими, у аламзада

борлиққа айланади. Кўзига ҳамма нарса ёмон кўринади. Ўй-хаёл ҳолдан тойдиради, ҳафсаласиз бўлиб қолади. Аллоҳ сақласин, бу аҳвол бора-бора эгасини исёнга бошлайди.

Аслида, одамнинг бошидан нималар ўтмайди, дейсиз! Баъзан синовлар шиддати қошида инсон ақлини йўқотар даражага етиши мумкин. Бу одамзодга хос ҳолат. Кимдир ўзини унутиб, бирпас бўлса ҳам ғамини енгиллатиш учун ножоиз йўллارни тутади. Кимлардир жонига қасд қилишгача боради. Фақат мўмин одам синовларнинг қийматини билади. Чунки у кўнглидаги хотиржамликнинг бош сабаби – имтиҳонлар онамиздан ҳам меҳрибон Зотдан эканини англайди. Бошига неки келмасин: “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибун” дея ҳақиқатни таъкидлайди. Яратганнинг Одам (у зотга Аллоҳнинг саломин булсин) ва зурриётларига қасамёд этиб, огоҳлантирганини ёдида тутади: “...**ҳақиқатан, инсонни** (дин

ва дунё ишларида меҳнат ва) **машаққатда** (бўлиш учун) **яратдик**” (*Балад, 4–5*). Ва яна билади: “**Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир**” (*Шарҳ, 5–6*).

Мусибат ва синовлар пайғамбарлар, авлиёлар йўли эканини мўмин киши унутмайди. Шу сабабли ҳам у бахтсиз бўлмайди. Намоз билан, ибодат билан, итоат билан сабр қилади. Кўзёшларини кўрсатмай йиғлашнинг, ғами билан бошқаларга озор бермасликнинг, атрофдагиларга табассум қила олишнинг, кўнгли вайронлигини яшириб, бир вайрон дилни обод этишнинг уддасидан чиқади.

Энг яқин кишиси кўнглини синдирган, алданган мўминни кўрдим, кўзи намли, дили ғамли эди. Юзида кўнгли каби синиқ табассум: “Шунақа бўлиши ҳам мумкин экан-да...” Кейин нарироқда етаклашиб кетаётган жажжи болакайларнинг бири йиқилганини кўриб, сапчиб туриб ўша томонга югурди. Кичкинтойни ўрнидан турғизиб, кийимларини қокиб, бошини силаб қўйди...



Молини йўқотган мўминни кўрдим, бошқалардек кўзёш тўкди, йиғлади ва ҳолатига бир оздан кейин изоҳ берди: “Топганимга ҳаром аралашган экан-да, Ўзи кечирсин. Гуноҳларимга каффорат бўлсин...”

Умидлари, чиройли орзулари кундан-кун чил-чил бўлиб бораётганини жимгина кузатаётган мўминни кўрдим. Ғамлар юрагини сиқувга олиб, дунёга сиғмас даражага келтирган... Шу ҳолида ҳам ўзини йўқотмай, йиғлай-йиғлай бошини саждага кўяётган, “Нега мен бахтсизман?” деб эмас, “Ўзинг борсан, ҳолимни кўриб турибсан, мен учун нимада, кимда хайр борлигини Сен биласан. Кўзёшларимнинг ажрини беришингдан, мендан бу азобларни кўтариб, ёруғлик, енгилликлар ато этишингдан умидворман”, дея дуо қилаётган...

Фарзандини тупрокқа топширган мўминни кўрдим. Охирги йўлга кузатиш олдида: “Сўнг сафарингиз беҳатар бўлсин”, дея фарзанди бошини силаётган... Кимлардир дод-вой қилаётган жойда, “Кўйинглар, боламга озор етмасин”, дея ўзи бош бўлиб таҳлилу такбир айтаётган... “Жигаргўшамни Ўзингга омонат топширдим”, дея кўзёшларини артаётган... Ўзи сингари фарзанд доғини кўрганларга ажру мукофот сўраб дуо қилаётган, нажотни ибодатдан, тиловатдан ахтарган... Аммо “Бахтсизман” сўзини оғзига олмаган...

Имтиҳоннинг турлари кўп, кимга ундоқ, кимга бундоқ. Қайғусиз, муаммосиз инсоннинг ўзи йўқ. Мўмин ҳам одам, балки синовлар онда оғзини тўлдириб “Бахтлиман” дея олмас, бироқ “Бахтсизман” демайди, бу сўзнинг исёнлигини билгани учун ҳам. Чунки у тафаккур қилади, ҳар қадамидан ҳикмат ахтаради...

Бу – менинг кузатувларим. Сўзимга яна сизнинг гапингиз билан нуқта қўйишни истадим, дўст. “Балки бошқалар учун бир нарсани йўқотиш, ҳамма нарсасини бой беришга баробардир. Лекин мўмин ҳеч нимаси қолмаганида ҳам Аллоҳ борлигини билади, таскинни ибодатдан кидиради. Кўнглида Аллоҳ севгиси, Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ёди, ширин соғинчлар, Дийдорга ишонч, эзгу ниётлар, кўлида Қуръони бўлган одамни синовлар енга олармиди? Шунча тенгсиз неъматлар ичидаги одам бахтсиз бўладими?”


Зумрад **ФОЗИЛЖОН** қизи

## ҚИРҚ ФАРЗ БАЁНИ

“Мовароуннахр” нашриёти яқинда “Қирқ фарз баёни” китобини чоп эттирди.

Маълумки, амалларнинг муҳимлиги жиҳатидан энг биринчиси фарздир. Фарзлар ҳақида шу пайтга қадар кўплаб асарлар ёзиб қолдирилган бўлишига қарамай, ушбу китобда Қуръони карим оятлари, саҳиҳ ҳадислар ҳамда таниқли алломалар фикрларига таянган ҳолда фикр юритилгани боис асар ўз ўрнига эга. Тузувчи бир қанча китоблардан фойдаланган ҳолда, халқимиз осон тушуниши учун қирқ – Исломдаги беш, имондаги етти, намоздаги ўн икки, таҳоратдаги тўрт, ғуслдаги уч, таяммумдаги тўрт, маърифий-тарбиявий соҳадаги беш фарзни имкон даражасида шарҳлаб, далиллари билан келтиришга ҳаракат қилган.

“Бешиқдан қабргача илм изланг”, ҳадисига биноан яшайдиган киши ҳамиша илм талабида бўлади. Илм олиш намоз ва бошқа ибодатлар каби энг зарур фарз амаллардан ҳисобланади. Чунки инсон илм олиш орқали Аллоҳни танийди. Ибодат йўл-йўриқларини ўрганади, ҳалолни ҳаромдан, ҳақни ноҳақдан ажрата олади. Фойдали илм эса инсонни камолга эриштиради. Китоб 3000 нусхада нашр этилди. Тузувчи Толибжон Қодиров, муҳаррир Шариф Холмуродов.



# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Аҳолига хизмат

Жанубий Африка Республикасида мусулмонлар сони тобора ортяпти. Йоханнесбургда уларга диний билимларни оширишда ва турли фикхий масалаларга ечим топишда яқиндан ёрдам берадиган уюшма ташкил қилинди. Ушбу ташкилот мусулмон аҳолига моддий, маънавий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.



ва ҳозирги ҳолатларда воқеликни оқилона баҳолашга чақиради.

## “Ал-Жазира”нинг янги тармоғи

Қатарнинг “Ал-Жазира” халқаро телеканили ҳижрий 1434 йил кириб келиши муносабати билан интернет тармоғига янги лойиҳани киритди. “Ҳижрий ҳисобда” деб номланувчи ушбу порталда ўтмишда араб диёрларида яшаб ижод этган буюк мутафаккирлар, саҳобалар ва алломаларнинг ҳаёти ва ижодларидан намуналар берилди. Сайт ҳафтада



уч марта янгиланиб, маълумотлар билан бойитилади. Телеканал ижодкорлари тез орада дастурни бошқа чет тилларида ҳам тайёрлашга ваъда беришяпти.

## Рамазон Бутий билан суҳбат



Суриянинг дунёга машҳур диний арбоби Саид Рамазон Бутий мамлакатнинг халқаро телеканили муҳбири билан террор ва зўравонлик

ҳақида суҳбат курди. Таниқли аллома ҳақиқий мусулмон ҳеч қачон бузғунчи, кўпоровчи бўлмаслигини таъкидлади. Бундай ҳаракатларни содир этганларнинг мусулмонликни даъво қилишга ҳақи йўқлиги ва бу шариат асосларига терс эканини уқтирди. Бегуноҳ одамларга қарата ўқ отиш ва ваҳшиёна қиришга қарши Қуръони каримдан ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин) муборак ҳадиси шарифларидан ёрқин далиллар келтирди. Ўз халқини сабрли бўлишга

## Белгияга Ислом сармояси кирмоқда



Белгия Форс Кўрфази мамлакатлари сармоядорларини иложи бори-ча кўпроқ жалб қилиб Брюсселни Ислом банклари пойтахти қилиш устида


иш олиб борапти. Бу ҳақда Брюссел ҳокими Бенуа Серекс декабр ойи бошида ўтказилган анжуманда айтиб ўтди. Ҳозирги кунда Ис-



лом банки тизими тез суръатларда ривожланаётгани ва унга аксарият Оврупа ишбилармонлари ва банкирлари ишонч билдиришаётганини қайд этди. Брюссел ҳоқими ушбу янги лойиҳани рўёбга чиқариш учун Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюришини таъкидлади.

### Янги масжид қурилади

Қиримда “Бу-юк Жума” жоме масжиди қурилиши учун маблағ тўплаш ишлари бошланди. Масжид барпо қилиш учун икки гектар саккиз юз квадрат метр жой ажратилган. Жоме лойиҳаси бўйича қурилишга сарфланадиган маблағ саккиз юз миллион долларни ташкил қилади. Қирим мусулмонлари идораси бошқа мутасадди идораларни жалб қилган ҳолда барча қурилиш ишларини икки йилда битказишга астойдил бел боғлаган. Ҳозирга қадар республикада фаолият юритаётган бир қанча ишбилармонлар масжидни бунёд этишга ўз ҳиссаларини қўшиш истагини билдириб муурожаат қилишди.



### Нойнда мусулмонлар қабристонини



Голландиянинг Жануби-Брабант вилоятидаги Нойн шаҳрида мусулмонлар учун янги қабристон очилди. Етти юз майитга мўлжалланган мазор мамлакат мусулмонлари учун ажратилган жойларнинг учинчисидир. Қабристоннинг тозалиги ва дафн ишларини “Андховен” Ислоҳ жамғармаси вакиллари зиммаларига олишди. Шаҳар мутасаддилари ҳозирда мамлакатда яшовчи бир миллиондан ортиқ мусулмон аҳолига имкон қадар шарт-шароит яратиш учун хизматдалар.

### Гамбург мусулмонларига енгиллик

Гамбург бургомистри Олаф Шолте инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида қарор эълон қилди. Унда шаҳарда истиқомат қилаётган бир миллион саккиз юз минг нафар мусулмон учун керакли шарт-шароитлар яратиш ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, ҳайит байрамларини нишонлашлари ва ўша кунлари ишдан озод қилинишлари, эмин-эркин ибодат қилишлари ва диний адабиётларни ўрганишлари учун кенг имконият берилди. Бургомистр нутқида мусулмонларнинг мамлакатда яшовчи бошқа дин вакиллари каби тенг ҳуқуққа эга эканлари ва бошқалар уларнинг урф-одатларига ҳурмат билан ёндашишлари кераклигини таъкидлади.



### Янги институт



Франциянинг Бургунди ҳудудида француз имомларни тайёрлайдиган биринчи институт ташкил этилди. Франция Ғарбий Оврупадаги мусулмон аҳолиси энг кўп мамлакат ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатда Шимолий Африка давлатларидан келганлар ва асли француз миллатига мансуб мусулмонлар сони қарийб олти миллионга етган. Бундай сонли мусулмон аҳолининг диний талабларини қондириш ва уларда туғилаётган турли саволларга оқилона жавоб бера оладиган имомларни тайёрлаш айна муддао бўлади. Франция Ички ишлар вазири Мануэл Валс ўз нутқида бундай ўқув даргоҳ очилиши билан мамлакатнинг барча мусулмонларини муборақбод этди ва ҳуқуқий томондан доим уларни қўллашига ишонч билдирди. Эндиликда бу билим масканида икки юзга яқин талабалар араб тили ва адабиёти, ақоид, фикҳ, Қуръони карим ва ҳадиси шариф фанларидан таҳсил олишади.

### Мулоқот маркази

Вена шаҳрида Саудия Арабистони қироли Абдуллоҳ ибн Абдулазиз Ол Сауд номидаги динлараро мулоқот марказининг очилиш маросими ўтказилди. Таъсис этувчи давлатлар сифатида Саудия Арабистони, Австрия ва Испания қатнашди. Шунингдек, Ватикан кузатувчи макомини олган. Тадбирда мазкур давлатларнинг Ташқи ишлар вазирлари, диний арбоблар ва дипломатлар иштирок этишди. Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун сўзга



чиқиб, ушбу янги динлараро мулоқот маркази кўпгина халқаро ташкилотлар томонидан тан олинганини эътироф этди. Янги ташкилот Бош котиби, Саудия Арабистонининг собиқ таълим вазири Файсал ибн Абдурахмон ибн Муаммар бошланғич уч йил давомида уюшмани таъсисчи мамлакат таъминлашини таъкидлади. Саудия Арабистони динлараро бағрикенглик, тинчлик ва осойишталикка бағишланган анжуманлар ўтказиш ва хайрия ишлари учун йилига ўн беш миллион евро ажратишни режалаштирди.

*Интернет материаллари асосида тайёрланди.*



## МОМОЛАРИМИЗ АЙТАДИ...

Кўнгилдаги сирни кўз билдирар.

\* \* \*

Мард туғилган мард ўлар.

\* \* \*

Уйинг кичик бўлса ҳам, нонинг катта бўлсин.

\* \* \*

Молингга суянма, орингга суян.

\* \* \*

Сотиш – ҳунар эмас, олиш – ҳунар.

\* \* \*

Рўзғорнинг нимаси йўқ Бўздан халтаси.

\* \* \*

Сирни сукут сақлайди.

\* \* \*

Ёйилган гап йиғилмас.

\* \* \*

Ҳусн – сўзда, уят – кўзда.

\* \* \*

Сўзлаганга қарама, сўзлатганга қара.

\* \* \*

Олисдаги сув билан чанқоқ қонмас.

\* \* \*

Тишинг оғриси тилингни тий,  
Кўзинг оғриси қўлингни.

\* \* \*

Олисдан аравалагунча, яқиндан тўрвала.

\* \* \*

Хавфинг қайдан бўлса, хатаринг шундан.

\* \* \*

Илм устози – ота мақомида,  
Ҳунар устози – она мақомида.

\* \* \*

Хайрли ишнинг хайрихоҳи кўп.

\* \* \*

Ичидан бузилмаса, қўшин енгилмас.

\* \* \*

Ямоқчининг ишини сувоқчи билмас.

*Тошкентлик Карима онадан ёзиб олинди.*



# ҚИШ СОҒИНЧЛАРИ

Онамнинг соғинчига ўзларининг дийдорини кўрмагунимча таскин йўқ эди. Олдиларига бориб келганимдан сўнг кўнглимнинг чанқоғи бирор ой босилар, кейин яна кўргим келаверарди: “Узоқ гаплашиб ўтирмасам ҳам майли, ўзларини бир кўрсам, ёнгиналарида овозларини эшитсам, етарли!” Шу сабабдан менга ҳар хил тўю маросимлар, туғилган куну йиғинларга боришнинг қизиғи йўқ эди. Уйдагилардан илтимосим – “Онамни кўриб келишим учун хурсандчилик билан розилик берсаларинг, бас”.

Рухсат теккач, ёзнинг саратоними, қишнинг қаҳратоними, йўл азобидан зарра ҳадигим бўлмасди. Эсимда, бундан йигирма беш йилча олдин “Тошкент – Андижон” поездининг жўнаш пайтига етиб борувдик. Байрам арафаси эди, бекаат тўла йўловчи. Уч яшар қизимни бағримга босиб, умумий вагоннинг йўлагига кетганман. Аммо Марғилонга етгунча саккиз соатлик йўлни қалбим тўла ҳаяжон, қувонч билан (ахир, онамни кўргани кетяпман!) ўтказганим ёдимда.

Дийдорлашув пайтларидаги онамнинг бахтиёрликларини таърифлаш қийин. Кўпинча уйимизга беҳосдан кириб борардим, чунки аввалдан айтиб кўйсам, онажонимнинг ҳаловатлари йўқолиши тайин эди. Дарвозадан кириб борсам, яшнаб кетардилар. Овозларида қалбимни эритиб юборадиган меҳр товланиб пешвоз келаверардилар.

– Ҳай, хай! Бугун қандай яхши кун экан! Қаерлардан келиб қолдинг, болам?..

Бу нурли сиймога шунчалар азиз, суюкли эканимни неча... нечанчи бор ҳис этсам-да, ҳар гал томоғимни куйдириб, кўзларимга тўладиган ёшларни ютиш, яшириш учун гапни ҳазилга бурардим:

– Осмондан тушдим, она, осмондан.

– Ҳа... – гап улардилар онам. – Ҳалигина Фарғона томонга самолёт учиб ўтгандия...

Энди уринишларим бекор... бу дунёдан эрта кетган дадамнинг ўрниларига ҳам ота, ҳам она бўлиб бизни ўқситмай катта қилган онажонимнинг ихчам жуссаларини бағримга босиб, бошимни елкаларига қўйганча, кўзимни кафтим билан сидирардим: “Ҳар бир учиб ўтган самолётга умид билан қараркансиз-да, онажоним”.

Кейин чекка-чекка токчалардан, қутичаю тахмондаги кўрпалар орасидан бизга атаб қўйган нарсаларини дастурхонга тўқардилар.

– Биздаям ҳамма нарса бор, нимага ўзларингиз емай, асраб кўясиз, онажон?

– Худога шукр, ризқимизни териб юрибмиз, болам...

Қиш хаёлкаш, унинг ўйчанлиги “юқиб”, майда-лаб ёғаётган қорга термилганча, яна онамни эсладим, соғиндим. Хаёлга нималар келмайди. “Қанийди, шу изғиринли, қорли кунда минг машаққат билан йўлларни босиб, тиккаликларга кўтарилиб бориб бўлса-да, онамнинг дийдорини бир кўриш мумкин бўлса! Иккиланмай, тўхтамай, қувончларимдан қанот ясаб йўлга чиқардим!..” Шу лаҳза кўзим “ярк” очилгандай бўлади. Ахир, бу ёруғ дунёда опаларим, акам, синглим... қариндошу қадрдонларим ҳам худди онам каби ғаниматку! Мени ўйлаб, кўргиси келадиган, телефонда тез-тез йўқлайдиган, аммо йўлга чиқишига кексалиги, хасталиги, яна менга номаълум бўлган сабаблар имкон бермаётган азизларимни биламан-ку! Бугун, тўрт мучам соғу саломатлигида уларни йўқламасам, меҳр булоқларидан қалбимга мадад олмасам... Хаёлкаш қиш элагига қорни эмас, икки оламда ҳам эзгуликка ташна умримизнинг ғанимат онларини элаётгандай...

Муҳтарама УЛУҒОВА





## Яхшиликка бўлсин қадамларингиз

### ЧЎҚКИЛАР

осмоннинг кўксига ботар,  
осмонлар куш каби инграр ёзларга,  
тоғларнинг тошлари умбалоқ отар,  
билмас ўсганини бу парвозларда,  
ўсиб кетганини англамайди тоғ,  
чўққилар қачондир етгай осмонга,  
тупроқни қучоқлаб ураверар оҳ,  
ахир, изтироб ҳам парвоздир жонга!  
Қоникмас, кўксига тушса эрир қор,  
ёнган кўкси гўё ғафлат – мангу хоб,  
ҳар битта чўққининг бағрида ганж бор,  
демак, ҳар бир чўққи – буюк изтироб,  
қай қаро кун эди ўксук бош билан,  
қалин қор ётган тоғ кўксига боқди –  
қип-қизил рўмоллар яшил тош билан  
учаркан, ўкради – ёши булоқдир,  
қип-қизил лолалар яшил қанотин  
кенг ёзар парвозга, титрар шамолда,  
ким тоғдай куйлайди ҳаётнинг отин,  
тоғ бўлиш келмайди қай бир хаёлга,  
чўққи бўлишни гар ўйласа ҳар ким,  
тоғлар изтиробин олсин ўзига,  
ва билсин – ҳар бир тоғ ғам бирла чўққи,  
ҳар чўққи тоғ эмас, хоксор, ўксиган!

кимнингдир жонига тегиб қув-қувлар  
шамолдай чикмоқчи,  
аммо йиқилар...  
шамолнинг каттаси ҳозир ҳукмрон,  
қўрқитар ҳаттоки номи ҳам – Бўрон,  
бўрон кўшин йўллар дарё ўнгига,  
афғон шамолига тузлар қўшилиб,  
босилар заминнинг яро кўнглига!”  
“Серка таранг, йўл бошлар гаяк эчки –  
тоғларда сурувлар ҳоли не кечди?!”  
чучмалнинг энг зўри тайтув аталар: –  
“иш йўк, бир кун тинч қўяр катталар!”  
Шамол ўз ишин пухта бажарар,  
бўроннинг кўксида қолмайди армон:  
“ким фармондан чиқса элидан ажрар,  
талафотга учрар, ким бузса фармон!”  
Алқисса, синов бу – бўроннинг қўли,  
рақибингдан ўрган курашмоқ йўлин.

### ДАРАХТЛАР

қандайдир ўйчан, паришон,  
йўллар жимжит, бўм-бўш, ҳазин ва ҳайрон,  
қишлоқ ҳам ичига ўраниб олган,  
нимадир юз берган, недир йўқолган,  
юз берган нарсанинг кўринмас юзи,  
йўқотган нарсасин – йўк ранги, туси.  
оқариб кетгандай бир ходисадан,  
қишлоқ соғинади, сен олисдасан,  
қишлоқ эмас асли ўзимиз ғалат,  
асли биздан эрур бу иш, бу ҳолат,  
меҳмон эмассан-ку, қўй “меҳмонлик”ни,  
огоҳлик кетказар паришонликни,  
биз эмасми ахир паришон этган,  
хабар олмай ойлаб ва йиллаб кетган,  
узоқдан кўринар – одам бунча кўп,  
ҳовлида куйманиб юришар тўп-тўп,  
юрак дукиллайди учганда учоқ  
кечиккан йўловчи бундан яхшироқ,  
яхшиликка бўлсин қадамларингиз,  
тўйга келган бўлсин одамларингиз!

### ШАМОЛ

кутуради, дўнар бўронга,  
қасирлаб уйларга солади ваҳм,  
сустлашар, оҳ тортар қайсидир онда,  
ёлворгандай бўлар, уйғотар раҳм,  
бўрими ё итга ўхшаб увлар гоҳ,  
бошини уради остоналарга,  
сўфи фиғонига қўшилиб ногоҳ  
нола чека бошлар мезаналарда,  
тонг чоғида титраб еру кўкни у  
фарёдлар солади, сўз котмоқчим,

жамики жонзодни, набототнию  
инсонни уйқудан уйғотмоқчими?!  
Кимнингдир кўнглига тушиб қўрқувлар,  
кўрпага ўранар, пинжга тиқилар,

### ЧИРОҒИМ

Абдуллоҳ Муродга

Шундай чақиради отам ҳам мени –  
чироғим дейман мен, оғажон сени,  
мени йироқларга тайин чорлаб юр!  
Чироқ бўл, йўлимда доим порлаб тур!

Табиат нурун ҳам айлашар таъна,  
 ҳатто кунни мендан қилишар пана,  
 шам каби кулбамни кўчирмоқ бўлар –  
 бир чимдим шуълани ўчирмоқ бўлар,  
 йўллар ҳам қоронғу, ўйдин чуқурроқ,  
 шамолда сояси ва тоғ кўчкинроқ,  
 зил соядан чиқиб ёритсам дейман,  
 қўлдан келса ғамни аритсам дейман,  
 ҳатто шу ишни ҳам қизғаниб мендан,  
 ётиб олар зўр харсанглар кўндаланг,  
 қаро кўкда пайдо қаро булутлар,  
 дунё дунёлигин бир дам унутар,  
 ҳатто чироқ ёди айлар чароғон,  
 ёд аро йирокда хорғин нур кўрдим,  
 шукр, етиб келди, суяниб юрдим,  
 ҳассага суянган каби одимлаб,  
 бир тола нур билан бордим олдинлаб,  
 шуъла каби йўлда нур ҳам бўзлайди,  
 ҳатто нур ҳам асли бир нур излайди,  
 бўлмаса нурга зор, нурзордир гулзор,  
 инсон нургул бўлар, зиёли дил бор,  
 зулматли чоғларда келгандинг етиб,  
 нуруллоҳ бўлганлар кетмас тарк этиб!

### ЮЛДУЗЛАРДАН

келди муаттар бўйлар,  
 димоғларни ёриб осмонлар ўтди,  
 қайларда юрасан, неларни ўйлаб,  
 куйлаб, фарёд айлаб ёбонлар ўтди,  
 ҳур гиёҳлар ўтди неча бор куйлаб,  
 ҳар ёндан баҳорлар – фиғонлар ўтди,  
 ҳар ёнда сўроқлар мунғайган уйлар,  
 йўллар эзгин наво, ҳар ёнлар ўтди,  
 ўтиб бораверар одамлар қайга,  
 бир жойда турган мен, кўрғонлар ўтди,  
 юракларни босиб танбурга, найга,  
 зах жой излаб кўкси куйгонлар ўтди,  
 давомлайди йўллар, инсон давомлар,  
 сени сўраб қанча замонлар ўтди,  
 бўм-бўш кўкси билан қанча авомлар,  
 зил копи елкада ҳайронлар ўтди,  
 қайт, инсон кўнглидир хушбахт маконинг,  
 Йўлдош менга айтмас, имконлар ўтди.

### Йўлдош СОЛИЖОНОВ

#### ШУКРОНА

Йиғлаб келдим дунёга – дилимда исён топдим,  
 Адашмай юрай дедим, яшашга имкон топдим.

Манзилим бўлди йирок, ўкинмай юрдим бироқ,  
 Гоҳ йўлимда майсамас, ботгувчи тикон топдим.

Англаш учун дунёни, излай-излай давони,  
 Кезиб қанча маъвони дардимга дармон топдим.

Толикмадим, синмадим, ҳаракатдан тинмадим,  
 Ёлғон нима билмадим, гуллаган бўстон топдим.

Кўнглига тош жойлаган, қулай фурсат пойлаган,  
 Йиқитишни чоғлаган иғвою бўҳтон топдим.

Қайтмади аммо шаштим, яхшиларга эргашдим,  
 Ҳақ зикрига энгашдим – инсофу имон топдим.

Ғанимларим энгилиб, толе сабоси елиб,  
 Шукр, шу кунга келиб, давр ила даврон топдим.

Мақсадим бўлди Йўлдош, йўлим ёритди куёш,  
 Эзгулик деб аталган манзилу макон топдим.

\* \* \*

Гоҳ қалампир, гоҳ асал –  
 Бўлди ёшлик кунларим.  
 Китоб бўлар бир тугал –  
 Чеккан ҳасрат, унларим.

Уруш, жудолик, алам...  
 Оталар жанг қиларди.  
 Даладан қайтган онам  
 Мени кучиб йиғларди.

Нон ўрнига онаминг  
 Оҳ-ноласини чайнадим.  
 Тонглар туриб юзимни  
 Кўз ёшимга чайқадим.

Йигитлигим саҳрода  
 Шўр тупроққа буланди.  
 Гоҳида энгил-елпи  
 Гармселга таландим.

Кўзларим қумга тўлиб,  
 Тополмай турсам йўлим...  
 Сирдош, суянчиқ бўлиб,  
 Яхшилар тутди кўлим.

Фаргона

*Санкт-Петербургдаги давлат Эрмитажи дунёда энг йирик тарихий музейлардан биридир. Эрмитажнинг асосий кўрғазмалари Санкт-Петербургдаги – Қишки саройда намойиш этилади.*

## ЭРМИТАЖ

Нева бўйидаги узунлиги икки юз, эни юз ва баландлиги ўттиз метрли Қишки саройнинг бир минг эллик еттита хонаси бор. Баланд оқ устунларига бир юз етмиш олтита қандил ўрнатилган.

Музей 1764 йили император Екатерина II йикқан санъат асарлари намойиши билан очилган. Екатерина II кейинчалик ҳам музейга турли мамлакатлардан машхур санъат усталари асарларини йиғдиради. 1781 йили Париждаги Орлеан герцогининг кесма тошлари каби антиқий буюмлар унинг ривожига анча туртки бўлади.

Бундан ташқари, Волтер ва Дидро кутубхоналарининг ушбу ансамблга кўшилиб кетганини қайд этиш жоиз. Екатерина бошчилигида йиғилган асарлар 1796 йилга келиб уч минг тўққиз юз тўқсон олти донага етади.

Николай I Эрмитажни омавий музейга айлантириши тўпламнинг янада кенгайишига сабаб бўлди. Минг афсуски, нодир матоҳларнинг бир қисми собиқ совет иттифоқи тузумида Америкага сотиб юборилган. 1845 йили музей директорларидан бири Татишевнинг васияти билан қадимги санъат

усталарининг ноёб асарлари музейга топширилди. Эрмитажнинг янги биноси зиёратчилар учун 1852 йили ишга тушиб, Шарқ ва Миср қадимий ёдгорликлари, ўрта аср маданияти намуналари, Осиё дурдоналари ва VIII–XIX асрларга оид рус ўймакорлик ишлари билан тўлдирилди. 1880 йилга келиб зиёратчилар сони йилга эллик минг нафарга етди.

XX аср бошларида музей кўпгина археологик топилмалар, турли ёзувдаги матолар, расмлар ва Нодиршоҳнинг берган дурдоналарига эга бўлди. Императорлик даври тугаганидан сўнг музей анча муддатга ёпилиб, ундаги баъзи асарлар Москва санъат музейига ўтказилди. Улуғ Ватан уруши даврида бино ертўласидан хавфсизлик йўлида фойдаланилиб, ундаги икки миллион дона асар Уралга кўчирилган. Урушдан сўнг эса ҳаммаси жой-жойига тушиб, вақтинча сақлаш учун олиб кетилган намуналарнинг барчаси хазинага қайтарилди ва Эрмитаж яна ишга тушди. Шу даврда бирорта ҳам асар йўқолмагани таҳсинга сазовор. Қайта очилишидан кейин унга Берлин тўпламлари келиб қўшилди.

1957 йилнинг январ ойида Қишки саройнинг учинчи қавати замонавий ғарб санъ-





ати намуналари учун ажратилди. 1990 йили “Эрмитаж” жамғармаси тузилиб, хазина янада бойитилди. 2006 йили икки юз йигирма битта асар ўғирланган. Роса бир йилдан кейин йўқотилган ашёларнинг бир қисмигина топилди.



Ҳозирги кунда Эрмитаж музейида уч миллиондан ортиқ нодир асар бор. Уларнинг тўққиз юз қирк тўққиз минг уч юз саксон саккизтаси санъат намуналари, етти юз ўттиз тўрт минг тўрт юзтаси археологик топилмалар, бир миллион бир юз йигирма беш минг уч юз йигирма учтаси танга ва медаллар ҳамда бир юз қирк тўрт минг бир юз саксон бештаси бошқа асарлардир. Уларнинг баъзилари Қишки сарой ерғўласида сақланади. Ушбу музейни йилга уч миллион одам зиёрат қилади.

**Азизхон ҲАКИМОВ**  
тайёрлади.

# ОМОНАТДОРЛИК ОМОНЛИКДИР

Мўминлар омонатга хиёнат қилмайди, уни асрайди ва адо этади. Зотан, омонат арабча “амн”, яъни ишониш, омонлик, бежавотирлик маъносидадир. Омонатга хиёнат қилмайдиган киши мўътаман-омонатдор дейилади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Аҳдга вафо қилинлар! Зеро, аҳд (Қиёмат куни) сўралади”** (Исро, 34).

Бу ерда “аҳд” банда зиммасидаги Аллоҳ таоло ва бандаларнинг ҳақларини қамраб олади. Ва **“...аҳд-паймон (Қиёмат куни) сўраладиган ишдир”**. Аҳдларнинг энг муҳими Аллоҳга берилган аҳддир: **“Аҳдлашганингизда, Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилин!”** (Наҳл, 91). Ҳақиқий мўмин барча ҳолатда ушбу омонатга риоя қилади. Омонатга енгил-елпи қараш, тўла адо қилмаслик киши қалбида нуксон-иллат борлигидандир.

Хоҳ молда, хоҳ бошқа нарсада бўлсин, омонатга содиқ бўлишга буюрилади. Зеро, ҳадиси шарифда айтилганидек, хиёнат мунофиқликнинг энг катта белгиларидандир (Муттафақун алайҳ). Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: **“Агар бир-бирингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатни қайтарсин ва Раб-би Аллоҳдан қўрқсин!..”** (Бақара, 283); **“Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм**

**қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюради...”** (Нисо, 58).

Инсонларнинг ҳақлари; мол, сир, обрў-эътибор ва шунга ўхшаш омонатлар учун албатта жавоб берилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: **“Қиёмат куни ҳақлар албатта ўз эгаларига топширилади. Ҳатто шохли кўчқордан шохсиз кўчқорга қасос олиб берилади”** (Имом Муслим ривояти).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Муфлис (инкирозга учраган киши) кимлигини биласизларми?”** деб сўрадилар. **“Муфлис деб на дирҳами ва на бирор нарсаи йўқ кишига айтилади”**, дейишди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: **“Менинг умматимдан муфлис қиёмат куни намози, рўзаси ва закоти билан келади. Лекин бир одамни сўккан, бошқасига тухмат қилган, бировнинг молини еган, яна бирининг қонини тўккан яна кимнидир урган бўлади. Бу кишининг яхшиликларидан уларга олиб берилади. Агар яхшиликлари тўлашга етмай қолса, уларнинг хатоларидан олиб бунга юкланади. Сўнг дўзахга ташланади”** (Имом Муслим ривояти).

**Чаросхон МУҲИДДИНОВА,**  
“Ҳадичаи Кубро” Исломи аёл-қизлар ўрта махсус билим юрти мударрисаси

# ДИН ЙЎЛИҒА САРВАР МУДАРРИСДУР

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Мадраса – диний мактаб, мударрис – дарс берувчи мадраса муаллими”, деб тушунтирилган. Аллоҳга шукр, мустақилликка эришганимиздан сўнг мадрасаларда диний билимлар қатори дунёвий билимлар ҳам берилгани, буюк алломалар мадрасаларда таълим олишгани эътироф этилди.

Кўкон шаҳридаги Фарғона вилояти адабиёт музейи хазинасида шоир Мухлиснинг алоҳида вараққа чоп этилган “Мартабаи уламо” (“Олимлар мартабаси”) сарлавҳали мухаммаси сақланади. Мухаммаснинг ёзилиш тарихи ҳақида бундай изоҳ берилган: “Тошканд фуқароларининг жаноби уламои киромларга бу қадар муҳиб ва фидокорликлари сабабли муҳтарам биродарларимиз илтимосларича зухурға келмишдир”.

Ноширлар: Шамсиддинхўжа мулла Нуриддинхўжа ўғли билан Абдулвахҳоб Абдулмажид оқсоқол ўғли.

Улар мухаммасдан олдин Алишер Навоий қаламига мансуб илм ҳақидаги икки рубоийни ҳам келтиришган. Мухлис ҳақида “Тазкираи Қайюмий”нинг III жилдида бундай дейилган:

“Бу киши асли наманганлик бўлиб, Бухорода таҳсил этмиш ва кўпинча ҳаётини сайру саёҳат ила ўткармиш ва Бухорода амир Насрулло даврида Лаби Ҳавзи Девонбеги майдо-нида ваъз сўзлар айтмиш. Вафоти тўғрисида бирор сўз йўқ. “Тухфатул обидин” эгаси шоир Обид Намангоний қори Исомиддин воиздан эшитиб, ёзадир. Номи Мулла Муҳаммадёр дебдур. Кичикроқ бир девони бор”.

Келгусида шоир Мухлис ҳаёти ва ижодида оид янги манбалар топилади, деган умиддамиз.

**Ҳасанжон ОТАЖОНОВ,**  
*Фарғона вилояти адабиёт музейи ходими*  
**Дилфузахон ТОЖИБОЕВА,**  
*кичик илмий ходим*

## МУХЛИС

Ҳама замонийларға шамси пуранвар мударрисдур,  
Шариат йўлидан озгонлара раҳбар мударрисдур,  
Чироғи пурзиё масжиду минбар мударрисдур,  
Ҳама мўмин-мусулмонларға тожи сар мударрисдур,  
Десам ялғон эмас фарзанди Пайғамбар мударрисдур.

Бошингга тож қилғил қайда кўрсанг яхши муллони,  
Худо муздиға бергай тонгла Фирдавс отли маъвони,  
Худойим жаннат ичра халқ қилган тўрт дарёни,  
Кўрай деб орзу қилсанг, биродар, жўйи аълони,  
Олиб сувни берурға сокии Кавсар мударрисдур.

Амаллик бўлса олим онлара шоҳу амир муҳтож,  
Умарою ақобир ҳам сипоҳу ҳам вазир муҳтож,  
Ки саййид, хўжао шайху сўфийи равшан замир муҳтож,  
Қарию навжувону ҳам сағиру ҳам кабир муҳтож,  
Ҳидоят айлағай дин йўлиға, сарвар мударрисдур.

## МАРТАБАИ УЛАМО

Кимики колса зулмат ичра, олим раҳнамосидур,  
Солурлар яхши йўлға барчани пири худосидур,  
Ўқуб қилса амал илмғақим шаҳлар гадосидур,  
Тамоми халқи олам интизори хокипосидур,  
Билингким, жоншини асли пайғамбар мударрисдур.

Чироғи икки дунё олим илмига амал қилса,  
Мусулмонларни қаттиғ мушқулини мунда ҳал қилса,  
Худо бирлан Расулин амриға жаҳду жадал қилса,  
Ҳавоий илмни “ал-фақру фаҳри”ға бадал қилса,  
Қилур туфрокни зар дастида, кимёгар мударрисдур.

Авомуннос ичинда гавҳари қимматбаҳо олим,  
Қаю зулматға қолғонға чироғи пурзиё олим,  
Яқин билғилки фарзанди Муҳаммад мустафо олим,  
Эрур меросхўри анбиёйу авлиё олим,  
Ки ғилли ғашни артиб тозалар, заргар мударрисдур.

Тирикликда киши олимни қилса бир йўли иззат,  
Мани иззат қилур деб айдилар бу сўзни Онҳазрат,  
Ёғар бошига мисли оби найсондек бўлуб раҳмат,  
Бу сўзга шак кетурма, Мустафони қавли, эй уммат,  
Ҳама халқ сангу хоро, удир гавҳар, мударрисдур.

Ҳақорат бирла олимга боқон жойи жаҳаннамдур,  
Тамоми умри асло шод эмас, ўлгунча пурғамдур,  
Бу дунёю у дунё боши узра барча мотамдур,  
Уламога ҳақорат бирла боқган қайси одамдур?  
Кесар ботилни ул сўзи билан, ханжар мударрисдур,

Жаҳони тийра ичра меҳри пуранвар мударрисдур,  
Паямбар умматиға пирдек раҳбар мударрисдур,  
Шариат бахридин чикқан улуғ гавҳар мударрисдур,  
Мадори дин чироғи масжиду минбар мударрисдур,  
Губорин сурма қил фарзанди пайғамбар мударрисдур.

Эрур чун обрўйи ики олам боамал олим,  
Гар олим бўлмаса оламни вайрон айлағай золим,  
Паямбар айди: “олимлар эрурлар вориси қолим”,  
Буларни хурмагинин дини Исломим эрур солим,  
Қиёмат кун туғум остиндаги аксар мударрисдур.

Жаҳаннамни сагидур бўлса ким олим изосида,  
Малаклар бўлди омингўй бу олимлар дуосида,  
Муборак хоки пойин тўтиё қил кўз қаросида,  
Паямбар айди: “Олим мисли ман уммат аросида”.  
Нечунки шаръ ила Исломи динпарвар мударрисдур.

Қулоқга халқа қил, гуфтори оёти Худодандур,  
Эшитиб жон фидо қил, қавли қавли анбиёндур,  
Дили раҳматга пур, лафзи ҳадиси Мустафодандур,  
Юзининг нури бешак равнақи шамсу зуходандур,  
Лабининг шарбатиким беҳтар аз Кавсар, мударрисдур.

Ҳар олимлар бошинда соядур арвоҳи пайғамбар,  
Буларга ким нигоҳи бад қилур мўмин эмас яқсар,  
Агар бўлмай десанг рўзи жазо шармандаи Маҳшар,  
Масойил ўрганиб, оламга ийсор айлагил гавҳар,  
Қавий қилғай имонинг, соҳиби дафтар мударрисдур.

Қаерга ўлтуруб олим масойил ибтидо айлар,  
Ки то маҳшар ани ҳаққида ул манзил дуо айлар,  
Туриб кўкдин малоиклар анга мадҳу сано айлар,  
Бу олимни, Худоё, раҳмат эт, деб илтижо айлар,  
Шу боисдан қабули Холиқи Акбар мударрисдур,

Кими ихлос била бўлса олимлар бирла ҳамсуҳбат,  
Жудо бўлгунча андин жисми бўлғай ғаркаи раҳмат,  
Бўлиб ходим агар ҳар бобдин қилса киши хизмат,  
Паямбар ваъда қилди ангаким вожиб бўлур жаннат,  
Даҳанинг ширин эт, Мухлис, бўлиб шаккар, мударрисдур.

## ҲОЛДАН ТОЙГАЧ, АНГЛАШАДИ...


Оталари вафот этган икки ака-ука бор эди. Бир куни укаси акасига: “Мен бир қизни ёктириб қолдим, унга уйланишни истайман. Жуда гўзал, кўзлари шахло экан”, деди. Шунда акаси: “Ундай бўлса, албатта унинг кўлини сўрашинг керак”, деди. Лекин ака ҳам қизни кўриб, чиройига маҳлиё бўлди ва: “Сен шошмагин, у ҳаётда тажрибаси бор инсонга лойик. У менга ўхшаган инсонга муносибдир”, деди. Ука хайрон қолиб: “У фақат меники...” деди ва иккаласи тортишиб қолишди. Масалани ҳал қилиш учун қозига боришди. Афсус, қози ҳам қизни кўриши билан: “Бу қиз менга ўхшаган одамга лойикдир”, деди. Тортишув кучайди. Уларнинг бу ишидан хабар топган волий чақириб, масалани ойдинлаштирмоқчи бўлди. Аммо у ҳам қизни кўриб: “У фақат меники бўлади”, деди ва тортишувга кўшилди. Ниҳоят, қиз тилга кирди: “Менда бир ечим бор. Мен югураман, ким менга биринчи етиб, тутиб олса, ўшаники бўламан”, деди-да, чопа кетди. Уни тутиш учун ортидан ҳаммалари югуришди. Тўсатдан барчалари бир чуқурга кулаб тушишди.

Қиз уларга тепадан қараб бундай деди: “Биласизларми мен кимман? Мен – молдунёман, бойликман. Одамлар менга эга бўлиш учун бир-бирлари билан кимўзар ўйнашади, натижада бор-йўғидан айрилади. Умр ўтиб, ҳолдан тойгач, қабр остонасидагина менга етиш асл мақсад эмаслигини англашади”.

**Нилуфар ОРТИҚХЎЖАЕВА**  
*тайёрлади.*







# БРАЗИЛИЯДА ИСЛОМ

Бразилия ўлкасига Ислом дини ёйилиши ҳақида турли маълумотлар бор. Қадимшунослар тарихий ёдгорлик деворларидан икки минг йиллик тарихга эга арабий ёзувлар топгани бу ерларга араблар анча олдин ҳам қадам ранжида қилганини англатади. Тилшунослар бу юртда яшовчи ҳиндулар тилида арабчага ўхшаш иборалар борлигини эътироф этади.

1550 йили Португалия мустамлакачилари африкалик озодликдан маҳрум этилган мусулмонларни бу ерларга қул сифатида олиб келишган. Мутахассислар фикрича, улар маҳаллий аҳолидан кўра африкаликларни кўпроқ ишлатишган. Ўша қулларнинг тахминан ўттиз етти фоизи африкалик мусулмонлар эди.

Португаллар уларга “малес” деб ном қўйишади.

Экин майдонларидаги аёвсиз қора меҳнат, жазирама иссиқдаги қийноқ ва азоблар устига-устак католик миссионерларнинг насронийликка тўхтовсиз даъват этиши 1835 йили Бахия штатида кўзғолон қўтарилишига олиб келади. Ўша йили 24 январь куни Салвадор шаҳри марказида африкаликлар ғалаён қўтаришади.

Бу воқеадан сўнг Бразилия ҳукумати мусулмонларга бир оз енгиллик берадиган бўлади. Африкаликлар эмин-эркин ибодат қила бошлашади.

1910 йилга келиб мамлакатда истиқомат қилаётган мусулмонлар сони юз минг нафарга етади. Кейинчалик Сурия, Иордания ва Ливан каби араб давлатларидан келганлар ҳисобига мусулмонлар сафи

янада кенгаяди. XIX–XX асрларда мамлакатда насронийлик кенг қулоч ёяди.

1929 йили Сан Пауло мусулмонлар хайрия уюшмаси ташкил этилади. 1956 йили эса бутун Жанубий Америкадаги биринчи жоме масжиди қад қўтаради. Кейинчалик Куритиба, Паранагуа, Рио де Жанейро ва Бразилия шаҳарларида ҳам мусулмонларнинг турли уюшмалари фаолият бошлайди. Айниқса, Сан Пауло ва Рио де Жанейро шаҳарларида Ислом динига қизиқиш ортиб боради. Ушбу уюшмалар мусулмонларни бирлаштириш, жума намозларини ташкил этиш ва хайрия ишлари билан шуғулланади.

Уюшмаларнинг асосий муаммоси дин асосларини яхши биладиган имом ва ўқитувчилар етишмаслиги эди. Шу боис кўпгина уламо ва муаллимлар Яқин Шарқдан таклиф қилинади. Маврикия ва Марокашдаги мусулмон олимларининг кўпи португал тилида эркин сўзлаша олишгани боис Бразилияга келади. 1985 йили мусулмон давлатлари кўмагида ташкил этилган Ислом маркази ҳомийлигида бир гуруҳ талабалар Саудия Арабистонидаги Ислом университетига ўқишга юборилади. Аммо уларнинг икки нафаригина ўқишни муваффақиятли битказиб қайтади.



Ҳозирги кунда мусулмон талабалар уюшмаси, халқаро ёшлар йиғини ва Лотин Америкаси Ислом маркази каби ташкилотлари кенг кўламда фаолият юритяпти. Бразилиялик мусулмонларнинг қирқ фоизи Сан Паулода яшайди. Ислом маданият маркази мутахассислари тахмин-



ларига кўра, мамлакатда мусулмон аҳолининг сони икки миллионга етган. Лотин Америкасида Ислом динини ривожлантириш халқаро маркази саъй-ҳаракатлари ва португал тилида сўзлашадиган диний арбоблар хизмати туфайли маҳаллий аҳоли орасида ҳам мусулмонлар бўлганлар кўпаймоқда.

Бразилия мусулмонларининг асосий муаммоси Куръони карим, ҳадиси шариф, ақоид, тафсир ва Ислом тарихига оид потугал тилидаги адабиётларнинг етишмаслигидир.

Ҳозир Бразилияда маҳаллий мусулмонлар эмин-эркин ибодат қилишлари учун қулай шароитлар яратилляпти, янги масжид ва ўқув даргоҳлари барпо этиляпти. Бу жиҳатдан Бразилия Жанубий Америка бўйича етакчи.

**Й**

иглаб-йиглаб беҳи еяман...

Ватандан келган меҳмонимни олис сафарга қузатиб, уйга қайтдим. Стол устидаги каттагина сап-сарик беҳи маъюс ва гамгин турарди. Бирга еймиз, деган эдик, ея олмадик. Қўлимга олиб, узоқ термулдим: “Қолиб кетдикми?..”

Согинчининг рангидаги беҳи “мени е...” деб мўлтирагандек туюлди. Хиёл тишлаб кўрдим. Сувли экан. Кўзларимдан ёш сизди... Чайнаб-чайнаб ютарканман, ичимда ўртаниб ётган ҳисларни қўзгаб юборди. Хотиралар ёди шу беҳи каби ҳам нордон, ҳам ширин эди...

## САП-САРИҚ БЕҲИ

Шаҳардаги уйимизнинг деразаларини беҳи дарахтининг шохлари тўсиб турар эди. Беҳи пишар маҳали яқин атрофдаги мактаб ўқувчилари деразамиз тагида тез-тез айланарди. Унга қўшилиб болаларим ҳам дераза ёнидан кетмай қолишарди. Бозордан сотиб олингани билан дарахтда осилиб турган беҳининг фарқини яхшигина биламан.

Мен ҳам бир сафар ўша деразанинг темир панжарасига тирмашиб, шохдан беҳи узишга рося уринганман. Тўрт-бештасини узиб олиб, тахмон устига териб, рангига, ҳидига махлиё бўлиб томоша қилганман. Сўрамай олганим учун хижолат чеккан бўлсам ҳам, “Қўшнилик ҳақим бор-ку”, деб ўзимга таскин берганман. Аммо бу ҳақ ҳалол эмас экан. Чириб кетган эди ўшанда...

Болалигимда еган беҳиларнинг тотти хотирамда бошқача қолган. Ҳовлимизда танаси эгри дарахтимиз бўларди. Ўша замоннинг косасидек келадиган сап-сарик беҳилар пишганида, бечора шохлар боши ерга теккудек эгилиб қоларди. Мазаси ҳам жуда ажойиб эди. Еганда бир оз афтим бужмайса-да, нордон ва чучук аралаш таъмини қайта-қайта қўмсайверардим. Ерга тушган беҳиларни этагимга тўлдириб, дугоналарим ёни-

га ошиқардим. Қурт тушганларини отиб юборардим. Отам раҳматли отганларимни ердан олиб тозалар, сўнгра ялтиратиб, ҳавасимни келтириб ея бошлар эдилар. Мен қурт тушгани учун ейишга ярамаслигини баҳона қилсам, отам: “Қуртлар энг яхшисини билади-да...” дердилар. Беҳи дарахтининг йўғон танасига чиқиб ўйнардик. Мен учун у меҳрибон дарахт эди. Ер бўйлаб ўсгани учун йиқилсак



хам ҳеч қаеримизга шикаст етмасди. Қўшни болалар ҳам бу беҳимизни яхши кўришарди.

Бувим раҳматли эса кичкина чопкичалари билан беҳини обдан юшатар, сўнгра, тишлари сийраклашиб қолмаганми, секин-секин ейишга уринар эдилар. Бу ҳолат менга жуда кизиқ туюларди. Айнан ўшанақа қилиб ейишни истардим. “Темир тишларинг бор-ку, болам”, дейишларига қарамай, истаганимга етмагунча тинчимасдим.

Ўша беҳимиздан қилинган мурабболарнинг маза-



си ҳамон оғзимда. Тиниқ сарғимтир-қизғимтир рангли мураббони онам жуда ширали тайёрлардилар. Бувимнинг кичкина пиёлачаларига қайта-қайта солдириб, синглим билан еганларимиз-чи... Қани энди ўша дамларга бир муддатгина қайта олсам. Ерга тушган беҳиларни этакларимга тўлдириб терсам, қурт тушганларини бўлса ҳам, сувларини оқизиб-оқизиб “темир тишларим”да тишласам. Бир зумгина отамнинг ёнига югуриб боролсам, яна бирга беҳи есак. Бақувват шохига солинган арғимчокда узок ва кўм-кўк осмонларга қараб-қараб учсам...

Қўлимдаги беҳи ҳам каттагина, аммо энди ҳовучларим жажжи эмас. Қурт тушган жойлари ҳам бор. Энди тишларимга эҳтиёт бўлиб тишлайман. Бугун эркаланиб: “Емайман!”



деб ерга отолмайман. Ибрат кўрсатадиган ўзимман. Ерга тушиб кетса ҳам, тозалаб-тозалаб еявераман.

Яхшиям эслайдиган хотиралар бор. Юрак тўлиб, оғирлашганида ўша ширин хотираларга қайтиб, енгиллайди одам. Соғинади, орзикиб, беғубор дамларга хаёлан сайр қилади. Аммо ортга қайтишнинг иложи йўқ. Узоқлашганим сари, соғинчим ортаверади. У соғинчлар рухиятимга бир тозариш бахш этганини ҳис қиламан.

Сизда ҳам балки шундай-дир...

**Зебунисо ХУСАЙН**

## МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

*Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг нашрлари – «Хидоят» журнали ва «Ислом нури» газетасига, уларнинг қорақалпоқча иловаларига 2013 йил учун обуна давом этмоқда. Республикаимизнинг барча алоқа бўлимларида ва жойлардаги масжидларда обуна бўлишингиз мумкин. Обуна учун тўлов пластик карточкалардан терминал орқали ҳам қабул қилинади.*

*Нашр кўрсаткичлари:*

«Хидоят» – 1034, 1051



«Ислом нури» – 195



Қорақалпоқча иловалар – 1035



**Ўзбекистон мусулмонлари  
идорасининг интернет саҳифаси:  
[WWW.MUSLIM.UZ](http://WWW.MUSLIM.UZ)**

**Саволлар ва таклифларни  
жўнатиши учун электрон манзил:  
[moslim@mail.ru](mailto:moslim@mail.ru)**

